

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУНЧИЛИК**  
**ТЎПЛАМИ**

**20-сон**  
**(1092)**  
**2023 йил**  
**май**

*Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

167. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Тожикистон Республикаси Ҳукумати ўртасида форс-мажор ҳолатларда давлат авиацияси ҳаво кемалари томонидан ҳаво ҳудуди ва аэродромлардан фойдаланиш соҳасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Душанбе, 2021 йил 10 июнь) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 19 майдаги ЎРҚ–843-сон Қонуни

*Иккинчи бўлим*

168. «Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 майдаги ПҚ–158-сон қарори

*Учинчи бўлим*

169. «Мирзо Улуғбек ворислари» тайёрлов ўқув курсларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 19 майдаги 206-сон қарори
170. «Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш учун масъул ходимлари малакасини ошириш ва рейтинг баҳолашни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 20 майдаги 208-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

171. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 18 апрелдаги 8/4-сон «Тўлов тизими операторларининг ва тўлов ташкилотларининг фаолиятини назорат қилиш ва кузатувни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 15 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3434*)
172. Ўзбекистон Республикаси инвестициялар, саноат ва савдо вазирининг 2023 йил 27 апрелдаги 2023/92-1-сон «Маҳсулотларни сертификатлаш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 15 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1458-6*)
173. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2023 йил 15 майдаги 6-мх-сон «Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўтказилиши режалаштирилаётган тадбирлари ҳақида хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг иловасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 15 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3020-1*)
174. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг 2023 йил 6 майдаги 384-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий рўйхатга олишни ташкил этиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 14-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 19 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3272-2*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

**БИРИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ**

**167** Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Тожикистон Республикаси Ҳукумати ўртасида форс-мажор ҳолатларда давлат авиацияси ҳаво кемалари томонидан ҳаво ҳудуди ва аэродромлардан фойдаланиш соҳасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Душанбе, 2021 йил 10 июнь) ратификация қилиш ҳақида\*

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил  
14 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 4 майда  
маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Тожикистон Республикаси Ҳукумати ўртасида форс-мажор ҳолатларда давлат авиацияси ҳаво кемалари томонидан ҳаво ҳудуди ва аэродромлардан фойдаланиш соҳасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги Битим (Душанбе, 2021 йил 10 июнь) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 19 май,  
ЎРҚ-843-сон

---

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 20 майда эълон қилинган.

**ИККИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ****168 Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Сўнгги вақтларда хорижий мамлакатларда содир бўлаётган кучли zilzilалар ва ер плиталарининг тектоник силжишлари оқибатида юзага келаётган турли хил талафотлар мамлакатимизда сейсмик хавфсизликни таъминлаш ишларини жадаллаштириш, соҳага замонавий ёндашувларни жорий этишни талаб этмоқда.

Сейсмик хавфсизликни таъминлашнинг янги усулларини жорий қилиш, бино ва иншоотларнинг zilзилабардошлигини ошириш, кучли zilzilаларни прогноз қилиш ва уларга тайёргарлик кўришнинг замонавий тизимини амалиётга татбиқ этиш мақсадида:

1. 2023 йил 1 декабрдан бошлаб Республикада кучли zilzilалар ҳақида эрта огоҳлантириш миллий тизими босқичма-босқич ишга туширилсин ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бунга масъул этиб белгилансин.

Белгилансинки, мазкур миллий тизим доирасида халқаро сейсмик кузатувлар глобал тизимига киритилган станциялар билан интеграциялашув асосида:

а) Ўзбекистон ва унга чегарадош ҳудудлардаги сейсмик ҳодисаларнинг мониторинги реал вақт режимда юритилади;

б) zilзила ўчоғига яқин икки ва ундан ортиқ сейсмик станцияларда кучли тебранишлар қайд этилиб, республика ҳудудида МСК-64 шкаласи бўйича 5 ва ундан юқори балли zilзила кучи сезилиши аниқланганда:

сейсмик маълумотлар сейсмик станциялардаги махсус дастурлар орқали автоматик тарзда таҳлил қилинади ҳамда zilзила параметрлари тезкорлик билан аниқланади;

«Кучли zilзиладан огоҳлантириш» мобил иловаси орқали аҳолига қисқа сонияларда республиканинг аниқланган ҳудудларида кучли zilзила кузатилиши тўғрисида тезкор хабарнома юборилади.

Республикада кучли zilzilалар ҳақида эрта огоҳлантириш миллий тизимини ишга тушириш билан боғлиқ барча харажатлар Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ҳисобидан қопланади.

2. Республика ҳудудидаги сув омборларида сейсмологик кузатувларни амалга оширишнинг яхлит тизимини шакллантириш доирасида:

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 19 майда эълон қилинган.

сув омборлари тўғонларида сейсмологик ва сейсмометрик кузатувларни амалга ошириш;

сув омборларини тўлдириш билан боғлиқ зилзилаларни мониторинг қилиш;

сув омборларини сув билан тўлдириш ва сувдан фойдаланиш жараёнида сейсмик режимнинг ўзгаришини баҳолаш Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Сейсмопрогностик мониторинг республика маркази томонидан амалга оширилиши белгилансин.

3. 2023 йил 1 августдан бошлаб «Сув омборларида сейсмологик кузатувларни амалга ошириш электрон платформаси» (кейинги ўринларда — электрон платформа) ишга туширилсин ва уни юритиш учун Сейсмопрогностик мониторинг республика маркази масъул этиб белгилансин.

Электрон платформани ишлаб чиқиш ва унинг фаолият юритишини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштирилсин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб сейсмологик ва сейсмометрик кузатувлар йўлга қўйилган сув омборлари тўғонларида МСК-64 шкаласи бўйича 5 ва ундан юқори балли зилзила қайд этилганда:

а) сейсмологик ва сейсмометрик кузатув маълумотлари Сейсмопрогностик мониторинг республика маркази томонидан электрон платформага зудлик билан юкланади;

б) сув омборлари тўғонларига масъул ташкилотлар зудлик билан чўкиш, силжиш, ёриқлар пайдо бўлиши, фильтрация режими ўзгариши каби зилзиланинг салбий оқибатларини аниқлаб, маълумотларни электрон платформага киритади;

в) Фанлар академияси уч кун муддатда:

электрон платформага киритилган маълумотлар асосида сув омборлари тўғонларининг динамик хоссаларини ўрганиб, уларнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини баҳолайди;

сейсмологик ва сейсмометрик кузатувлар ҳақида берилган маълумотларда сейсмик режимнинг ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда сув омборлари тўғонларининг динамик ҳолати тўғрисидаги маълумотлар ҳамда тегишли чоралар кўриш учун хулосалар тайёрлайди ва электрон платформага киритади;

г) электрон платформага киритилган хулосаларда фавқулодда вазиятларнинг келиб чиқиш ҳолатлари кўрсатилганда, сув омборларига масъул бўлган ташкилотлар Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Фанлар академияси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда зудлик билан тегишли чора-тадбирлар ва ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиб, амалга оширади.

5. 2023 йил 1 августдан бошлаб:

сув омборларида фаолият юритувчи масъул ходимларнинг сейсмологик ва сейсмометрик кузатувларни амалга ошириш ва бирламчи таҳлил қилиш бўйича ҳар икки йилда малакасини ошириш амалиёти йўлга қўйилсин;

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Фанлар академияси малака ошириш курсларини ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул этиб белгилансин.

Республика ҳудудидаги сув омборлари ва тўғонларга масъул давлат органлари ҳамда ташкилотлар раҳбарларига сейсмологик ва сейсмометрик кузатувларни амалга оширадиган ходимларининг Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Фанлар академияси режа-графикига асосан малака ошириш курсларида иштирок этишини қатъий таъминлаш учун шахсий жавобгарлик юклансин.

#### 6. Қўйидагилар:

Сейсмик хавфсизликни таъминлаш ва қурилишда назоратни кучайтиришга оид чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда — Чора-тадбирлар дастури) 1-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин;

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши (кейинги ўринларда — Республика кенгаши) 2-иловага\* мувофиқ таркибда тузилсин.

Қўйидагилар Республика кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Чора-тадбирлар дастурининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш доирасида масъул ижрочилар фаолиятини доимий мувофиқлаштириб бориш;

ҳудудлардаги барча, шу жумладан янги қурилган икки ва ундан юқори қаватли бино ва иншоотлар конструкцияларининг зилзилабардошлиги юзасидан замонавий махсус асбоб-ускуналар ёрдамида инструментал-техник текширувлар (микродинамик синовлар) ўтказилишини ташкил этиш;

ҳудудларнинг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш ишларини ташкил этиш доирасида, шу жумладан лойиҳа ташкилотларини жалб қилган ҳолда бино ва иншоотларни сейсмик ҳимоялаш услублари, янги конструктив ечимлари ишлаб чиқилишини ташкил этиш;

сейсмик фаол зоналарда турли даражадаги сейсмик хатарни баҳолаш ва зилзила талафотларини камайтириш бўйича илмий асосланган чора-тадбирлар ишлаб чиқилишини мувофиқлаштириш;

шаҳар ҳудудларининг бош режа лойиҳасини сейсмик микроҳудудлаштириш хариталарига асосланган ҳолда ишлаб чиқиш амалиётини жорий этиш ишларини ташкил этиш;

сув омборлари тўғонлари ва гидротехника иншоотларининг зилзилабардошлигини ўрганиш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш ишларини ташкил этиш;

сейсмик хавфни, таъсирни ва хатарни баҳолаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни хорижий тажриба асосида ишлаб чиқиш чораларини кўриш;

эҳтимоли юқори бўлган зилзилаларнинг зарарини ва оқибатларини камайтириш бўйича маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб, тадбирлар мажмуи ва дастурлари ишлаб чиқилишини мувофиқлаштириш;

аҳолини зилзиладан олдин, зилзила пайтида ва зилзиладан сўнг ҳаракат қилиш қоидаларига ўргатиш ва уларнинг тайёргарлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилишини ташкил этиш;

\* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

қурилиш объектларида фойдаланиш учун республикада ишлаб чиқарилаётган маҳаллий ва хориждан импорт асосида келтирилаётган қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларининг сифати назорат қилинишини мувофиқлаштириш;

қурилиш ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш ҳамда шаҳарсозлик фаолиятини амалга оширишда иштирок этувчи мутахассислар малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш ва сертификатлаштириш жараёнларини такомиллаштириш ишларини ташкил этиш.

7. Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи тузилмасида Сейсмик хавфсизликни таъминлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўлими (кейинги ўринларда — Мувофиқлаштириш бўлими) ташкил этилсин.

Қуйидагилар Мувофиқлаштириш бўлимининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги масъул органлар ва ташкилотлар фаолиятини доимий мувофиқлаштириб бориш;

сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасида илм-фанни ривожлантириш, замонавий ахборот, шу жумладан инновацион технологияларни кенг жорий этиш;

сейсмик хавфни прогнозлаш жараёнини рақамлаштириш бўйича ишларни ташкил этиш;

республикада сейсмик хавф даражасини камайтириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни доимий равишда мониторинг қилиб бориш;

аҳолининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш юзасидан давлат дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилишини ташкил этиш;

тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда фойдаланишда бўлган бино ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини таъминлаш юзасидан чоралар кўриш;

республика ҳудудларининг сейсмик ҳолати мониторинги ва таҳлили натижалари асосида ҳудудларнинг сейсмик хавфсизлигини ошириш ҳамда бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

қурилаётган бино ва иншоотлар бўйича ўтказиладиган назорат тадбирларини мониторинг қилиб бориш ва уларни амалга ошириш жараёнларининг очиклиги ва сифатлилигини таъминлаш бўйича доимий равишда таклифларни ишлаб чиқиш;

қурилаётган ҳамда мавжуд бинолар ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини ўрганиш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш;

бинолар ва иншоотларни сейсмик жиҳатдан заифлиги бўйича таснифлаш, шунингдек, бинолар ва иншоотларни замонавий махсус асбоб-ускуналар ва дастурий таъминотлар ёрдамида инструментал-техник текширувдан ўтказиш (микродинамик синовлар) ҳамда уларнинг зилзилабардошлигини ошириш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

сейсмик фаол зоналарда қурилаётган бино ва иншоотларни вибродина-

мик, шунингдек, замонавий рақамлаштирилган инструментал асбоб-ускуналар ёрдамида синов ва текширувлардан ўтказиш ишларини ташкил этиш;

республикада аҳолини зилзила вақтида ҳаракатланишга тайёрлаш бўйича комплекс тадбирларни мувофиқлаштириш.

Белгилансинки:

Мувофиқлаштириш бўлими Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 5 та бошқарув штат бирликларини қисқартириш ҳисобидан шакллантирилади;

Мувофиқлаштириш бўлими Республика кенгашининг ишчи органи ҳисобланади.

8. Республика кенгаши (А. Арипов):

а) бир ҳафта муддатда:

ташкилий йиғилишни ўтказиб, Чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифалар сифатли ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш масалаларини вазирлик ва идоралар билан муҳокама қилсин;

ўзига юклатилган вазифалар ижросини ташкил этиш мақсадида муддатлар ҳамда вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари кесимидаги режа-графикни тасдиқласин ва унда белгиланган вазифалар амалга оширилишини доимий назорат қилиб борсин;

қурилиш ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни сўнги икки йилда ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш натижаларини танқидий кўриб чиқиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўрсин;

Мувофиқлаштириш бўлимини малакали кадрлар билан тўлдириш чораларини кўрсин;

Республика кенгаши аъзолари, соҳага масъул вазирлик ва идоралар мутахассисларини сейсмик хавфсизликни таъминлаш ва қурилиш назорати соҳаси бўйича ривожланган хорижий давлатларга қисқа муддатли хизмат сафарига юборишни ташкил этсин.

Белгилансинки, Республика кенгаши аъзолари, мутахассисларни хорижга юбориш билан боғлиқ харажатлар (транспорт, меҳмонхона, кунлик ва бошқалар) Жамғарма маблағлари ҳисобидан қопланади;

б) ҳар чоракда белгиланган вазифалар ижросини танқидий муҳокама қилиб борсин, ижрода аниқланган камчиликларни вазирлик ва идоралар томонидан бартараф этиш чоралари кўрилишини таъминласин.

9. 2024 йил 1 январдан бошлаб сейсмик фаол зоналарда жойлашган шаҳарларнинг бош режалари лойиҳаларини тегишли ҳудудларнинг сейсмик микроҳудудлаштириш хариталарига асосланган ҳолда ишлаб чиқиш амалиёти жорий қилинсин.

Белгилансинки:

сейсмик фаол зоналарда жойлашган шаҳарларнинг бош режалари Республика кенгашида сейсмик микроҳудудлаштириш хариталарига мувофиқ ҳар томонлама асосланганлиги муҳокамадан ўтказилиб, келишилгандан сўнг тасдиқланади.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги сейсмик фаол зона-



ларда жойлашган шаҳарларнинг бош режалари сейсмик микроҳудудлаштириш хариталарига асосланишини ва мувофиқлигини таъминлаш учун масъул давлат бошқаруви органи ҳисобланади;

ҳудудларнинг сейсмик микроҳудудлаштириш хариталари (шаҳарлар бош режаларини ишлаб чиқиш дастурларига мувофиқ ва бош режаларни ишлаб чиқиш муддатларидан олдин) Фанлар академияси томонидан ишлаб чиқилади.

10. Фанлар академияси 2023 йил 1 октябрга қадар Андижон, Наманган, Фарғона, Бухоро, Жиззах, Шаҳрисабз ва Зарафшон шаҳарларининг сейсмик микроҳудудлаштириш хариталари ишлаб чиқилишини якунига етказсин ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигига тақдим этсин.

Белгилансинки:

сейсмик микроҳудудлаштириш хариталарини ишлаб чиқиш учун зарур бўлган архив ёки мавжуд маълумотлар давлат органлари, муассасалари ва ташкилотлар томонидан Фанлар академиясининг сўровларига мувофиқ қисқа муддатларда беғараз тақдим этилади;

Фанлар академияси томонидан белгиланган тартибда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган барча турдаги сейсмик ҳудудлаштириш ва микроҳудудлаштириш хариталари бўйича оммавий ахборот воситалари учун пресс-тур ва брифинглар ташкил этилиб, тушунтиришлар бериб борилади.

11. Республика ҳудудларида, шу жумладан сув омборлари ва йирик тоғ-кон саноати комплексларида мавжуд фаол тектоник ер ёриқларининг кўрсаткичларини ўрганиш, уларнинг электрон хариталари ва паспортини ишлаб чиқиш ва улар асосида сейсмик хавфни баҳолаш амалиёти жорий этилсин.

Бунда, фаол тектоник ер ёриқларининг электрон хариталари зилзилалар манбаларини аниқлаш ҳамда кучли зилзилаларга тайёргарлик кўриш мақсадида ҳудудларда сейсмопрогностик станцияларни жойлаштириш ва кучли зилзилалар юз бериши эҳтимолини прогноз қилиш учун асос ҳисобланади.

Фанлар академияси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан биргаликда:

2023 йил 1 июндан бошлаб аниқ режа-график асосида масъул ташкилотларни жалб этган ҳолда республика ҳудудларида мавжуд фаол тектоник ер ёриқларининг кўрсаткичларини ўрганиш ишларини ташкил этсин;

ўрганишлар якунлари бўйича маълумотлар базасини шакллантириб, фаол тектоник ер ёриқларининг электрон хариталари ва паспортларини яратсин;

фаол тектоник ер ёриқлари бўйича ишлаб чиқилган таклифларни тегиш-лича Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, сув омборларига масъул бўлган ташкилотлар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига доимий равишда тақдим этиб борсин.

Белгилансинки, фаол тектоник ер ёриқларининг кўрсаткичлари бўйича тақдим этилган таклифлар икки ҳафта муддатда масъул ташкилотлар томонидан кўриб чиқилади ҳамда уларнинг таъсири, юзага келтириши мумкин бўлган оқибатларини юмшатиш бўйича чоралар кўрилади ва бу бўйича Республика кенгашига ахборот киритиб борилади.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги манфаат-

дор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2023 йил 1 августга қадар туман (шаҳар)ларда кучли ва талафотли зилзила оқибатида аҳоли ҳаётини сақлаб қолиш учун зарур бўлган махсус инфратузилмаларни (кейинги ўринларда — инфратузилмалар) яратиш бўйича аниқ чораларни белгиласин ва келишиш учун Республика кенгашига киритсин.

Бунда, ҳар бир туман (шаҳар) кесимида:

аҳолини эвакуация қилиш учун зарур бўлган очиқ ва хавфсиз ҳудудлар белгилансин;

эвакуация қилинган аҳолини жойлаштириш учун зарур бўлган чодир (палатка) ва бошқа муқобил конструкциялар (сендвич қурилмалар, контейнерлар) сонига бўлган эҳтимолий талаб аниқлансин ва Давлат захираларини бошқариш қўмитасига тақдим этилсин;

белгиланган ҳудудларга аҳолини хавфсиз эвакуация қилишни тезкор ташкил этиш, эвакуация қилинган аҳоли ҳаёти учун зарур бўлган воситаларни етказиш мақсадида автомобиль йўлларини барпо этиш, зарур ҳолларда мавжудларини реконструкция қилиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилсин;

кучли зилзила натижасида жабрланган фуқароларга тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарур дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникалар, санитария-гигиена ва эпидемияга қарши воситаларга бўлган эҳтимолий эҳтиёж аниқлансин ва Давлат захираларини бошқариш қўмитасига тақдим этилсин;

эвакуация қилинган фуқаролар учун озиқ-овқат маҳсулотларини етказишни ташкил этиш тартиби ҳамда электр энергияси ва ичимлик сув билан таъминлаш режаси ишлаб чиқилсин.

Белгилансинки, инфратузилмаларни яратиш бўйича тадбирлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан босқичма-босқич амалга оширилади.

Республика кенгаши инфратузилмаларни яратиш бўйича тадбирлар ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин ва бу бўйича ҳар чоракда масъуллар ҳисоботини танқидий кўриб борсин.

13. 2023 йил 1 июндан бошлаб «Аҳолини зилзилага тайёрлаш ҳафталиги» доирасида ҳар йили режа-график асосида республиканинг барча ҳудудларидаги маҳаллаларда аҳоли иштирокида зилзила билан боғлиқ фавқулодда вазиятларда аҳоли хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўмондонлик-штаб, махсус-тактик ва объект ўқув машқлари ўтказиб борилсин.

Бунда:

маҳаллалар аҳолиси иштирокида қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалари, шунингдек, фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг зилзила билан боғлиқ фавқулодда вазиятларни бартараф этишга тайёргарлигини ошириб боришга;

таълим ташкилотларининг ўқувчи ва талабаларини зилзила оқибатларидан ўзини ўзи муҳофаза қилиш, жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш усулларига ўргатишга;

кўп қаватли уйларда яшовчи фуқаролар томонидан ўзбошимчалик билан биноларнинг таянч устунларини бузиш ва бошқа конструкцияларга ўзбо-

шимчалик билан ўзгартириш киритиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича тарғибот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратилсин.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (А. Кулдашев):

икки ҳафта муддатда жорий йилда маҳаллаларда «Аҳолини зилзилага тайёрлаш ҳафталиги»ни ўтказиш дастурини тасдиқласин;

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А. Ходжаев) ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А. Хаджаев) билан биргаликда «Аҳолини зилзилага тайёрлаш ҳафталиги»ни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш чораларини кўрсин.

14. 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб босқичма-босқич мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим босқичларининг амалдаги таълим дастурларига Зилзила вақтида тўғри ҳаракатланиш қоидаларини киритган ҳолда, уларнинг ўқитилишини ташкил этсин.

Белгилансинки, таълим ташкилотларида Зилзила вақтида тўғри ҳаракатланиш қоидаларини ўргатишга мўлжалланган дарсдан ташқари машғулотлар Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари билан биргаликда олиб борилади.

15. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан ҳамкорликда зилзила вақтида тўғри ҳаракатланиш юзасидан телевизион кўрсатувлар, лавҳалар, эшиттиришлар ҳамда мақолалар тайёрланиши ҳамда кенг жамоатчиликка тизимли равишда етказилишини таъминласин.

16. Маълумот учун қабул қилинсинки, қонунчиликка мувофиқ бино ва иншоотлар қурилиши бўйича тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларида кўрсатилган параметрларга, ушбу тоифалардаги фойдаланишдаги бино ва иншоотнинг зилзилабардошлигига таъсир қилувчи конструкцияларга, шу жумладан, биринчи қават ва ертўлаларга ўзбошимчалик билан ўзгартириш киритиш қатъий тақиқланади.

Бош прокуратура Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, белгиланган тақиқларни (чекловларни) бузган ҳолда биноларни, иншоотларни ёки бошқа объектларни қуриш ва реконструкция қилиш ҳолатлари учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни кескин кучайтириш бўйича қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда киритсин.

17. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси туман (шаҳар) ҳокимликлари ва бошқа тегишли ташкилотлар билан биргаликда 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб:

а) режа-график асосида:

республиканинг сейсмик фаол зонасида жойлашган сейсмик хавфсизлиги III-IV тоифага кирувчи кўп квартирали уйлардаги умумий фойдаланиладиган жойларда (зинапоя йўлаклари, чердак ва умумий фойдаланишдаги ошхоналарда) ўзбошимчалик билан қурилган конструкцияларни;

кўп квартирали уйларнинг, шу жумладан, уларнинг ертўла ва биринчи қаватидаги зилзилабардошликка таъсир қилувчи конструкцияларга ўзбошимчалик билан киритилган ўзгартиришларни аниқласин;

б) аниқланган ноқонуний конструкциялар ва зилзилабардошликка таъсир қилувчи конструкцияларга ўзбошимчалик билан ўзгартириш киритиш ҳолатлари бўйича қонунчиликка мувофиқ чоралар қўрилишини таъминласин.

18. Маълумот учун қабул қилинсинки:

шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизадан ўтказилиши талаб этиладиган (янги қуриладиган ва реконструкция қилинадиган) объектлар қурилиш майдонининг муҳандислик-геологик тадқиқотлари ва уларнинг экспертизаси натижалари бўйича ҳисоботлар олиш мажбурий ҳисобланади;

реконструкция қилинадиган объектлар бўйича лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказишда уларнинг конструкциялари техник ҳолати бўйича инструментал-техник текширувдан ўтказиш хулосалари тақдим этилади.

19. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

бино ва иншоотларнинг конструкциялари техник ҳолати бўйича инструментал-техник текширув хулосалари ҳамда муҳандислик-геологик тадқиқотлар ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларга тадқиқотларни ўтказишнинг барча жараёнлари видеотасвири (ишларни бажариш санаси ва вақти кўрсатилган ҳолда) ва лаборатория натижалари илова қилинади, «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимига киритиб борилади ва уларнинг реестри юритилади;

инструментал-техник текширув ва муҳандислик-геологик тадқиқотларни ўтказадиган ташкилотлар ўтказилган ҳар бир тадқиқот ва улар бўйича берилган ҳар бир хулосанинг сифати ва ҳаққонийлиги учун жавобгар ҳисобланади;

инструментал-техник текширув ва муҳандислик-геологик тадқиқотлар натижалари бўйича ҳисоботлар «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимида шакллантирилган Инструментал-техник текширув хулосаларининг ягона реестри ва Муҳандислик-геологик тадқиқотлар натижалари бўйича ҳисоботларнинг ягона реестрига киритилган тақдирда ҳақиқий деб тан олинади.

20. Белгилансинки:

а) сейсмик хавфсизлиги II — IV тоифадаги қурилаётган ёки мавжуд объектларнинг конструкциясини ўзгартириш (қаватлар сонини ўзгартириш, ёнма-ён қуриш, устига қават қуриш) бўйича қурилиш ишларини бошлашга фақат лойиҳанинг ўзгартирилган шаҳарсозлик ҳужжатлари қайта экспертизадан ўтказилиб, ижобий хулоса олингандан сўнг рухсат этилади;

б) 2023 йил 1 июндан бошлаб:

сейсмик хавфсизлиги IV тоифадаги бино ва иншоотлар бўйича лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш Лойиҳа-қидирув ташкилотлари электрон рейтингда «С» ва ундан юқори тоифага эга бўлган лойиҳа-қидирув ташкилотлари ва етакчи лойиҳа-қидирув ташкилотлари томонидан амалга оширилади;

сейсмик хавфсизлиги III-IV тоифадаги бино ва иншоотлар бўйича қурилиш ишлари Қурилиш-пудрат ташкилотлари электрон рейтингда «ССС» ва

ундан юқори тоифага (шу жумладан «А» ва «В» турдаги барча тоифаларга) эга бўлган қурилиш-пудрат ташкилотлари томонидан бажарилади.

Бунда:

мазкур қоида бугунги кунга қадар шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизадан ўтказилиб, ижобий ҳулоса олинган ҳолда қурилиш-монтаж ишлари бошланган объектларга татбиқ этилмайди;

давлат объектлари лойиҳалари доирасида пудратчиларни аниқлаш бўйича тендерда маҳаллий қурилиш-пудрат ташкилотлари билан биргаликда хорижий пудратчиларнинг қонунчиликда белгиланган тартибда қатнашишига рухсат этилади;

в) 2023 йил 1 октябрдан бошлаб сейсмик хавфсизлиги II — IV тоифадаги бино ва иншоотлар бўйича лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш ва назорат функцияларини амалга ошириш йўналишларидаги фаолият юритувчи мутахассисларни сертификатлаш тартиби жорий этилади.

Бунда, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги мутахассисларни сертификатлаштириш ишларини ташкил этиш доирасида ўқув курслари сифатли ўтказилишини таъминлаш, таълим ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш ва бунинг учун миллий тренерлар корпусини шакллантиришга масъул давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

21. Қурилиш соҳасида назоратни янада кучайтириш мақсадида:

а) қуйидагилар:

2024 йил 1 январдан бошлаб объектларда давлат назорати, буюртмачининг техник назорати, ишлаб чиқувчининг муаллифлик назорати ва пудратчининг ички назорати тадбирларини тегишли йўналишлар бўйича махсус билимга ва сертификатга эга мутахассислар томонидан амалга ошириш амалиёти жорий қилинсин;

2023 йил 1 сентябрга қадар лойиҳа ташкилоти томонидан буюртмачига қурилиш-монтаж ишлари давомида лойиҳага мувофиқ бериладиган ҳар бир мажбурий кўрсатмани тўлиқ бажармаганлик учун жавобгарликни ва ваколатли органни назарда тутувчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқилсин ва белгиланган тартибда киритилсин;

б) қурилиш объектлари устидан давлат назорати, буюртмачининг техник назорати, ишлаб чиқувчининг муаллифлик назорати ва пудратчининг ички назорати тадбирлари, уларда аниқланган камчиликлар ва нуқсонлар (чек-лист шаклида) ҳамда уларни бартараф этиш тўғрисидаги маълумотларни «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимига киритиб бориш мажбурий этиб белгилансин ва маълумотлар жамоатчилик учун очиқ бўлиши таъминлансин.

22. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

икки ҳафта муддатда ҳудудларда электрон-техник паспортлар асосида инструментал-техник текширувдан ўтказиш зарур деб топилган биноларни инструментал-техник текширувдан ўтказиш бўйича режа-графикни Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда тасдиқласин ва инструментал-техник текширувдан ўтказилишини таъминласин;

инструментал-техник текширувдан ўтказиш юзасидан ҳар ойда Республика кенгашига маълумот киритиб борсин.

Белгилансинки:

инструментал-техник текширувдан ўтказишда аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳар бир туман (шаҳар) кесимида чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилади ва Республика кенгаши томонидан тасдиқланади;

инструментал-техник текширувдан ўтказиш билан боғлиқ барча харажатлар маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қопланади.

23. Вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларини шакллантиришда, биринчи навбатда, зилзилабардошлиги заиф бўлган ижтимоий соҳа объектларига эътибор қаратсин.

24. Қуйидагилар:

Тошкент архитектура-қурилиш университетида зилзила таъсирида грунтларнинг мустаҳкамлиги ва деформацияланишини, физик-механик хоссаларини, мураккаб грунт шароитларида бино ва иншоотларни лойиҳалаш ҳамда пойдеворлар қурилишини тадқиқ этишга мўлжалланган «Грунтлар механикаси, замин ва пойдеворлар» ўқув-илмий лабораторияси;

Фарғона политехника институтида бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлик бўйича техник ҳолатини баҳолаш, фойдаланишдаги бинолар қаватининг сонини оширишда сейсмик юкларни ҳисобга олиш ҳамда қурилиш конструкцияларининг зилзилабардошлигини текширишга мўлжалланган «Бино ва иншоотлар конструкциялари зилзилабардошлигини баҳолаш» ўқув-илмий лабораторияси ташкил этилсин.

Белгилансинки, ўқув-илмий лабораторияларнинг штат бирликлари Тошкент архитектура-қурилиш университети ва Фарғона политехника институтининг профессор-ўқитувчилари сонини мақбуллаштириш ҳисобидан жамланади.

Вазирлар Маҳкамаси Тошкент архитектура-қурилиш университети ва Фарғона политехника институтининг асосланган таклифларига мувофиқ ўқув-илмий лабораторияларни зарур жиҳозлар билан босқичма-босқич Жамғарма маблағлари ҳисобидан таъминлаш чораларини кўрсин.

25. Фанлар академияси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

26. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб фавқулодда вазиятлар вазири А.Х. Кулдашев ҳамда қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Б.И. Закиров белгилансин.

Қарор ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва

назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зим-  
масига юклансин.

Амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижадорлиги тўғрисида ҳар чо-  
рак яқунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот кири-  
тилсин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 16 май,  
ПҚ–158-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 169 «Мирзо Улуғбек ворислари» тайёрлов ўқув курсларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 22 августдаги ПҚ-357-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, ёшлар орасида ахборот технологиялари бўйича кўникмаларни шакллантириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида рақамлаштиришда фаол иштирок этадиган иқтидорли ёшларни тайёрлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш «Улуғбек» жамғармаси ҳамда Тошкент шаҳридаги Инха университетининг Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан республика давлат олий таълим муассасаларининг бакалаврият босқичида (барча таълим шакли бўйича) 2-курсни муваффақиятли (академик қарздорлиги бўлмаган) тамомлаган талабаларнинг рақамли технологиялар соҳасида малакасини ошириш мақсадида «Мирзо Улуғбек ворислари» тайёрлов ўқув курсларини (кейинги ўринларда — ўқув курслари) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Ўқув курсларининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин: илғор хорижий тажриба ва миллий таълим стандартлари талабларига жавоб бера оладиган математик статистика ва дастурий таъминот асосида маълумотларни қайта ишлаш ва улар асосида таклифларни ишлаб чиқиш қобилиятига эга кадрларни тайёрлаш;

рақамли технологик ечимлар орқали амалий кўникмаларни шакллантириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимларини интеграция қилиш бўйича малакали мутахассисларни тайёрлаш;

иқтисодий ва ижтимоий йўналишларда ресурсларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнларини таҳлил қилиш, маълумотларни қайта ишлашда рақамли ечимлардан фойдаланиш бўйича бошланғич даражадаги мутахассисларни тайёрлаш.

3. «Мирзо Улуғбек ворислари» тайёрлов ўқув курсларига иқтидорли тингловчиларни қабул қилиш ва уларни ўқитиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилаб қўйилсинки, ўқув курсларига ушбу қарор талабларига жа-

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 20 майда эълон қилинган.



воб берадиган республика давлат олий таълим муассасалари талабалари танлов асосида қабул қилинади, бунда:

биринчи ўқув йилида камида 60 нафар тингловчи қабул қилинади, кейинги йилларда тингловчилар сони эҳтиёждан келиб чиқиб, ошириб борилади;

таълим олиш 34 ҳафта муддат давомида «Blended learning — аралаш таълим технологияси» асосидаги ўқув дастурига мувофиқ ташкил этилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлигига ўқув курсларида ёшларнинг сифатли таълим олишлари учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадида қўйидаги харажатларни Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплашга рухсат берилсин:

ўқув курсларига қабул қилиш учун танлов жараёнларини ўтказиш;

ўқув курсларида таълим бериш учун маҳаллий ва хорижий мутахассисларни жалб қилиш;

белгиланган фанлар бўйича ўқув дастурларига мос рақамли контент танлаш, ишлаб чиқиш ва интеграция қилиш;

ўқув курсларида таълим жараёнларини назорат қилувчи LMS (Learning Management System) тизимини яратиш, такомиллаштириб бориш, техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;

ўқув курслари йўналишлари бўйича тингловчиларнинг IT-парк резидентлари бўлган ташкилотларда амалиётларда қатнашиши билан боғлиқ харажатлари;

ўқув курсларида иштирок этиши давомида тингловчиларни базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт баравари миқдорида ҳар ойда бир маротаба рафбатлантириб бориш;

ўқув курсларига қабул қилинган тингловчиларнинг таълим олиш муддатига зарур компьютер жиҳозларини (ноутбук ва бошқалар) тақдим этиш;

тингловчиларни зарур ўқув адабиётлари, Интернет жаҳон ахборот тармоғи, алоқа воситалари ва рақамли контентлар билан, ўқув аудиторияларини эса компьютер ва бошқа моддий-техник таъминот билан таъминлаш;

тингловчиларга, зарур ҳолларда, турар жой ижараси тўловларининг бир қисмини қоплаб бериш;

ўқув курсларига қабул қилинган тингловчиларни ўқиши давомида бир маҳал иссиқ овқат билан таъминлаш.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги:

ўқув курсларига қабул қилинган республика ҳудудларидаги давлат олий таълим муассасалари талабаларининг ўқишини мос ва турдош йўналишларда Тошкент шаҳрида жойлашган давлат олий таълим муассасаларида академик мобиллик асосида бир йил муддатга кўчириш орқали ўқишини ташкил этиш;

ўқув курсларига қабул қилинган талабаларни Тошкент шаҳрида жойлашган давлат олий таълим муассасаларида академик мобиллик асосида ўқишини давом эттириш даврида талабалар турар жойи билан таъминлаш ёки асосий ўқиш жойи бўлган ҳудудлардаги давлат олий таълим муассасалари

томонидан белгиланган тартибда турар жой ижараси тўловларининг бир қисмини қоплаб бериш ишларини ташкил этиш чораларини кўрсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар ишлари агентлиги ўқув курсларида таҳсил олаётган иқтидорли тингловчиларга ўқув даври мобайнида камида икки маротаба дам олиш масканларида иқтидорли тингловчилар ўртасида Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган дастур асосида «бир жамоа» тамойилини ривожлантириш ва ўзаро ҳамкорлик руҳини шакллантириш тадбирларини (team building) ўтказиб борсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўқув курсларида таҳсил олаётган тингловчиларга ўқиш даврида тиббий хизматларни бепул кўрсатиш мақсадида Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш «Улуғбек» жамғармасининг махсус жиҳозланган хонасига тиббиёт ходимларини шартнома асосида ажратсин.

9. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига ушбу қарорнинг мақсади, вазифалари ва аҳамияти тўғрисида оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш «Улуғбек» жамғармаси фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 18 январдаги 30-сон қарорига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

11. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазири Ш.Х. Шерматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 19 май,  
206-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил 19 майдаги 206-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**«Мирзо Улуғбек ворислари» тайёрлов ўқув курсларига  
иқтидорли тингловчиларни қабул қилиш ва уларни  
ўқитиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом талабаларнинг рақамли технологиялар соҳасида малакасини ошириш мақсадида «Мирзо Улуғбек ворислари» тайёрлов ўқув курсларига иқтидорли тингловчиларни танлов (кейинги ўринларда — Танлов) асосида қабул қилиш ва уларни ўқитиш тартибини белгилайди.

2. Ўқув курслари қуйидаги йўналишларда ташкил этилади:

ахборот технологияларидан ва коммуникацияларидан фойдаланиш (бошланғич);

математик статистика;

алгоритмлаш асослари;

маълумотларни қайта ишлаш;

дастурлаш тиллари (Phthon);

инглиз тили;

қарор қабул қилиш асослари.

Ўқув курслари жамoa бўлиб ишлаш ва бошқа йўналишлар бўйича ҳам ташкил этилиши мумкин.

3. Ўқув курсларини муваффақиятли тамомлаган тингловчиларга Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш «Улуғбек» жамғармаси (кейинги ўринларда — «Улуғбек» жамғармаси) ва Тошкент шаҳридаги Инха университети томонидан тасдиқланадиган тегишли йўналиши бўйича давлат намунасидаги сертификат берилади.

4. Ўқув курсларига ўқишга кириш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар, тест синовлари ҳамда суҳбат жараёнлари иштирокчиларнинг хоҳишига кўра давлат тилида ёки бошқа (рус, инглиз) тилда амалга оширилади.

5. Ўқув курсларига тингловчилар барча учун тенг ҳуқуқлилиқ, ягона қабул қоидалари ва ягона танлов тамойиллари асосида қабул қилинади.

6. Танловда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган шахслар иштирок этади.

7. Ўқув курсларига қабул қилинган республика ҳудудларидаги давлат олий таълим муассасалари талабаларининг ўқиши мос ва турдош йўналишларда Тошкент шаҳрида жойлашган давлат олий таълим муассасаларида академик мобиллик асосида ташкил этилади ҳамда ушбу жараён Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади. Бунда:

уларнинг амалдаги стипендиялари сақлаб қолинади;

ўқув курсларига қабул қилинган талабалар ушбу ўқув курсларида ўқи-

ши давомида базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт баравари миқдорида ҳар ойда бир маротаба рағбатлантириб борилади;

тингловчилар турар жой билан таъминланади ёки асосий ўқиш жойи бўлган ҳудудлардаги давлат олий таълим муассасалари томонидан белгиланган тартибда ижара тўловларининг бир қисми қоплаб берилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш «Улуғбек» жамғармаси (кейинги ўринларда — ташкилотчилар) танловни ташкил этиш бўйича масъул ташкилотлар ҳисобланади.

9. Ўқув курсларига қабул жараёнлари Танлов комиссияси (кейинги ўринларда — Комиссия) томонидан амалга оширилади.

Комиссия таркиби ташкилотчиларнинг таклифларидан келиб чиқиб шакллантирилади ва Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш «Улуғбек» жамғармаси томонидан тасдиқланади.

Комиссия тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар вакиллари, мутахассислар ҳамда олимлар (илмий даража ва илмий унвонга эга шахслар) аъзо бўлган камида етти кишидан иборат тоқ миқдордаги таркибда тузилади.

Комиссияга раис бошчилик қилади. Комиссия фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш унинг котиби зиммасига юкланади.

Комиссия ўз фаолиятини коллегиаллик, ошкоралик, холислик ва бета-рафлик тамойиллари асосида амалга оширади.

## **2-боб. Ўқув курсларига танлов жараёнларини ўтказиш тартиби**

10. Танловнинг биринчи йилида республика давлат олий таълим муассасаларининг бакалавриат босқичида (барча таълим шакли бўйича) 2-курсни муваффақиятли тамомлаган (академик қарздорлиги бўлмаган) талабалари иштирок этади.

11. Ўқув курсларига иқтидорли тингловчиларни қабул қилиш жараёни ҳар йили июнь — август ойларида қуйидаги уч босқичда амалга оширилади:

а) биринчи босқич — онлайн ариза ва IQ тест (онлайн тест) топшириш. Номзодлар танловда иштирок этиш учун онлайн аризани Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш «Улуғбек» жамғармасининг dscience.uz веб-сайти орқали тўлдирди ва ариза қабул қилинганлиги тўғрисидаги SMS-хабар келганидан кейин онлайн тарзда тест топширади.

Ариза қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

номзоднинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар (биометрик паспорт ёки ID-карта);

мотивацион хат (соҳага бўлган қизиқиш, ўқув курсларида таҳсил олишдан кўзланган мақсад, тахминий тадқиқот мавзусини ўз ичига олувчи кичик эссе);

номзоднинг айни дамда таълим олаётган олий таълим муассасасидаги академик кўрсаткичлари (асосий эътибор соҳага яқин фанлардаги ўзлаштиришга қаратилади);

2 та тавсиянома:

биринчи тавсиянома номзоднинг таълим йўналиши бўйича қизиқишларини ҳамда шу йўналишдаги салоҳияти ҳақида;

иккинчи тавсиянома умумий характерда (номзоднинг иқтидори ва ўзига хос жиҳатлари ҳақида таҳсил олаётган олий таълим муассасасининг тегишли йўналиши бўйича профессор-ўқитувчилари томонидан ёзилади) бўлиши керак;

портфолио (олий таълим муассасасида таҳсил олиш даврида ижод маҳсули сифатида қайд этилган ёки ваколатли органда рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома, рўйхатдан ўтказилганлигини исботловчи ҳужжат ёки патентнинг электрон нусхалари, зарур бўлса асли сўралиши мумкин).

Танлов адолатли бўлишини таъминлаш мақсадида аризани тўлиқ тўлдирган ҳар бир номзодга автоматик ID-рақам тақдим этилади.

Аризага илова қилинаётган ҳар бир ҳужжат алоҳида файл кўринишида «PDF» (portable document format) форматида бўлиши керак ва ҳар бир файл ўлчами 10 Мб дан ошиб кетмаслиги лозим.

«Мирзо Улуғбек ворислари» тайёрлов ўқув курсларига иқтидорли тингловчиларни қабул қилишнинг биринчи босқичида IQ тест (онлайн тест) топширадилар.

Биринчи босқич натижалари мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ баҳолаш мезонлари асосида 100 баллик тизимда баҳоланади.

Баҳолаш мезонларида кўрсатилган GPA (Grade Point Average) балли, агар олий таълим муассасаларида бошқача тартибда ҳисобланса, баҳолар мос равишда конвертация қилинади.

Бунда, жами 300 нафар энг юқори натижа кўрсатган номзод иккинчи босқичга ўтказилади;

б) иккинчи босқич — имтиҳон. Биринчи босқич натижалари бўйича юқори кўрсаткичга эга бўлган номзодлар салоҳиятини баҳолашга ёрдам берувчи имтиҳондан муваффақиятли ўтишлари лозим.

Иккинчи босқич натижалари қуйидаги мезонлар асосида 100 баллик тизим бўйича баҳоланади:

ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш (бошланғич);

алгоритмлаш ва дастурлаштириш асослари;

мантиқий савол ва масалалар;

математикадан мантиқий масалалар;

математик статистика масалаларини ечиш;

алгебрадан мисоллар ечиш;

тенгламалар ечиш;

комплекс сонлар ва улар устида амаллар.

Мазкур кўрсатилган ҳар бир йўналишлар бўйича максимал балл — 12,5 баллни (юқоридаги 8 та йўналиш бўйича максимал 12,5 баллдан ажратилмоқда жами 100 баллик тизимда) ташкил этади. Комиссия томонидан ташкилотчилар билан келишилган ҳолда ушбу мезонларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Имтиҳон шакли, давомийлиги ва саволлар тўплами малакали мутахас-

сисларни жалб этган ҳолда ишлаб чиқилади ҳамда Комиссия томонидан тасдиқланади.

Комиссия қарори билан 120 нафар энг юқори натижа кўрсатган номзодлар учинчи босқичда иштирок этишга тавсия этилади;

в) учинчи босқич — суҳбат. Суҳбат Комиссия аъзолари томонидан ўтказилади. Комиссия аъзолари номзодларни ташкилотчилар томонидан учинчи босқич учун тақдим этилган, олдиндан ишлаб чиқилган саволлар асосида суҳбатдан ўтказилади. Суҳбат жараёнлари онлайн трансляция қилинади.

Бунда, суҳбат натижалари максимал 100 баллик тизимда баллар қўйиш йўли билан баҳоланади. Суҳбатда қуйидаги мезонлардан келиб чиққан ҳолда саволлар берилади:

республикада рақамлаштириш соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушуниш (электрон ҳукумат, рақамли иқтисодиёт, рақамли таълим, телекоммуникация ва бошқа соҳалардаги ислохотлар ҳақида тасаввур ва фикрлаш қобилиятининг мавжудлиги).

Ушбу мезон бўйича максимал балл — 25 баллни ташкил этади;

йўналишни танлашда мотивация (таълим олаётган олий таълим муассасидаги йўналишининг моҳияти ва ижтимоий аҳамиятини тушуниш, унга доимий қизиқиш билдириш), математика ва ахборот технологиялари (бошланғич дастурлаш) соҳасидаги билим ва кўникмаларининг мавжудлиги (ўз фикрини баён қилиш ва таҳлил қилиш).

Ушбу мезон бўйича максимал балл — 25 баллни ташкил этади;

шахсий-касбий хусусиятлар:

қарор қабул қилишда мустақиллик даражаси;

мантиқий фикрлаш;

мақсадга ва янгиликларга интилувчанлик;

касбий вазифаларни ҳал қилишда амалий фаолият;

режалаштириш қобилияти;

тақдимот қилиш қобилияти;

мулоқотга киришувчанлик қобилияти;

масъулиятлилик ва интизомлилик;

ўз устида ишлаш ва ижодкорлик қобилиятлари;

стрессга чидамлилик.

Ушбу мезон бўйича максимал балл — 50 баллни, ҳар бир кўрсаткич учун эса максимал 5 баллни ташкил этади.

Суҳбат натижаларини аниқлаш учун Комиссиянинг ҳар бир аъзоси бошқа аъзолардан мустақил ҳолда, мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ 1 ва 2-жадвал шаклларидаги баҳолаш варақасини тўлдиради ҳамда уни Комиссия котибига тақдим этади. Комиссия котиби Комиссия аъзолари томонидан қўйилган балларнинг ўртача кўрсаткичини ҳисоблаб чиқади.

Суҳбатни ўтказиш давомида номзодга қўшимча саволлар берилиши мумкин. Битта номзод учун суҳбат 30 дақиқагача давом этади.

12. Номзодларнинг суҳбатдан ўтиш муддати ва манзили тўғрисида маълумот dscience.uz веб-сайти орқали эълон қилинади. Суҳбатдан олдин ном-

зод паспорт, ID-карта ёки унинг ўрнини босувчи шахсни тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши шарт.

13. Комиссия томонидан суҳбат қилинган энг кўп балл тўплаган номзодлар белгиланган қабул параметрлари доирасида тингловчи сифатида ўқув курсларига қабул қилинади ва бепул таҳсил олади.

14. Комиссия аъзолари томонидан босқичлар мезонлари бўйича минимал (нол) баллдан максимал баллгача баҳолаш ўтказилади.

15. Танлов босқичларида уяли телефон, бошқа алоқа ва телекоммуникация воситалари, луғат, китоб ва шпаргалкалар олиб кирилиши ҳамда фойдаланилиши қатъиян тақиқланади.

16. Танловнинг ҳар бир босқичидан муваффақиятли ўтган номзодлар ҳақидаги маълумот босқич якунлангандан сўнг беш иш куни ичида ташкилотчиларнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтлари ва ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида эълон қилинади.

17. Танловнинг учинчи босқичи ғолиблари тўғрисида маълумот ташкилотчилар томонидан ўн иш куни ичида эълон қилинади.

18. Танловнинг ҳар бир босқичи бўйича натижалар Комиссия томонидан баённома билан тасдиқланиб, ташкилотчиларнинг масъул вакилига тақдим этилганидан сўнг якуний (ҳал қилувчи аҳамиятга эга) ҳисобланади ва Комиссия қарори бўйича ташкилотчилар изоҳ бермайди.

19. Танловнинг учинчи босқичи ғолиблари ва уларнинг салоҳияти тўғрисидаги маълумотлар Комиссия баённомасида кўрсатилади ва унинг аъзолари томонидан имзоланади.

20. Номзодлар томонидан қуйидаги хатти-ҳаракатлар амалга оширилганлиги аниқланса, улар танловдан четлаштирилади:

Комиссия фаолиятига халақит берса;

ўз хоҳиши билан танловда иштирок этишни давом эттиришдан воз кечса; танлов шартларини бузса;

мазкур Низом талабларига риоя қилмаса.

Шунингдек, тақдим этилган ҳужжатларда, шу жумладан, электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатларда сохталаштириш ва қалбакилаштириш ёки ёлғон маълумот тақдим этилганлиги аниқланган тақдирда, номзод танлов ёхуд ўқув курсидан четлаштирилади, ҳужжатлари эса белгиланган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилади.

21. Комиссия томонидан номзодларни танловдан четлаштириш тўғрисидаги қарори қабул қилинади ва қарор қабул қилинганидан бошлаб беш кун ичида номзодга хабар берилади.

### **3-боб. Танлов натижаларини апелляция тартибда кўриб чиқиш**

22. Ушбу Низомга риоя қилиш, суҳбат (тест)нинг ўтказилиши, шунингдек, танловни ўтказиш билан бевосита боғлиқ бошқа масалалар бўйича шикоятларни кўриб чиқиш учун «Улуғбек» жамғармаси раисининг буйруғига асосан Апелляция комиссияси тузилади. Апелляция комиссиясининг таркиби

ва иш тартиби Апелляция комиссиясини ташкил этиш тўғрисидаги буйруқда белгиланади.

Апелляция комиссияси унинг аъзоларининг учдан икки қисми қатнашганда ваколатли ҳисобланади. Апелляция комиссияси фаолиятига умумий раҳбарликни унинг раиси амалга оширади, комиссия баённомалари котиб томонидан расмийлаштирилади.

23. Апелляция комиссиясига шикоятлар танлов натижалари эълон қилинганидан бошлаб беш иш куни ичида ёзма равишда топширилади.

Апелляция комиссияси қабул қилинган шикоятни кўриб чиқиши ва ариза берилганидан сўнг беш иш кун ичида тегишли қарор қабул қилиши зарур. Апелляция кўриб чиқиладиган кун ҳақида номзодга хабар берилади.

24. Номзодлар Апелляция комиссияси томонидан мурожаати кўриб чиқиши жараёнида бевосита ёки масофадан туриб онлайн тарзда иштирок этиши шарт.

25. Апелляцияни кўриб чиқиш натижалари бўйича Апелляция комиссияси:

эътироз асосиз бўлса, апелляцияни қаноатлантиришни рад этади ва танлов натижаларини ўзгаришсиз қолдиради;

эътироз асосли бўлса, апелляцияни қаноатлантиради ва танлов натижаларига ўзгартириш киритади ёки номзод учун танловнинг саралаш босқичлари қайтадан ташкил этилади.

26. Апелляция комиссияси баённомаси нусхаси мурожаат этувчи номзодга Апелляция комиссияси қарори чиққан кундан бошлаб беш иш куни ичида юборилади.

27. Танлов комиссиясининг аъзолари, шунингдек суҳбат (тест)ни олиб боришда иштирок этувчи жалб этилган экспертлар ишда йўл қўйган камчиликлари ва ноҳолислиги учун қонунчиликка мувофиқ жавобгар ҳисобланади.

28. Ўқув курсларига кириш синовларини қайта топшириш тақиқланади.

#### **4-боб. Ўқув курсларида таҳсил олиш тартиби**

29. Ўқув курсларига қабул қилинган республика ҳудудларидаги давлат олий таълим муассасалари талабаларининг ўқишини мос ва турдош йўналишлар бўйича (мутахассислиги ва йўналиши бўйича кредит рейтинг тизимига мос келувчи) Тошкент шаҳрида жойлашган давлат олий таълим муассасаларида академик мобиллик асосида ташкил этиш чоралари кўрилади.

30. Танловнинг учинчи босқич ғолиблари «Улуғбек» жамғармаси, Рақамли технологиялар вазирлиги, Тошкент шаҳридаги Инҳа университети ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида ташкил этиладиган ўқув курсларида ўқиш учун қабул қилинади.

31. Ўқув курслари Тошкент шаҳридаги Инҳа университети ўқув биноларида олиб борилади. «Улуғбек» жамғармасининг ташаббуси ва ихтиёри билан ўқув курслари «Улуғбек» жамғармасининг биносида ҳам олиб борилиши мумкин.

32. Ўқув курсларини яқунлаган тингловчилар давлат олий таълим муас-



сасалари томонидан 3 ёки 4-курсда белгиланган амалиётларини республика ижро этувчи ҳокимият органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмаларида ўтайдилар.

Ўқув курси якунида тингловчилар томонидан давлат бошқарувидаги самарадорликни ошириш, иқтисодий ва ижтимоий йўналишларда рақамли ечимлардан фойдаланиш, аҳолида мавжуд муаммолардан келиб чиққан ҳолда ўқув курслари йўналишлари бўйича таклифлар тайёрланади.

Ушбу таклифлар Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан тегишлилиги бўйича республика ижро этувчи ҳокимият органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмаларига кўриб чиқиш учун юборилади.

### **5-боб. Ўқув курси тингловчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

33. Ўқув курси тингловчилари ҳуқуқлари:

сифатли ва юқори савияда билим олиш, юқори малакали мутахассис бўлиб етишишлари учун зарур бўлган ҳуқуқлардан фойдаланиш;

фан, техника, замонавий технологиялар ютуқларига мос келувчи билим олиш;

бепул маслаҳатлар ва йўл-йўриқлар олиш;

аудиториялар, таълим воситалари саналувчи ашёлардан белгиланган тартибда бепул фойдаланиш;

таълим жараёни самарадорлиги ва таълим сифатини ошириш юзасидан ўз таклиф-мулоҳазаларини, танқидий фикрларини белгиланган тартибда ўқув курси ташкилотчиларига билдириш ва уларнинг кўриб чиқилишини талаб қилиш;

ўқув курси миқёсида ўтказиладиган оммавий тадбирларда иштирок этиш;

илмий тадқиқот ишларида ва илмий конференцияларда қатнашиш, уларнинг натижаларини нашр этиш ва бу ҳақда ахборотлар бериш ҳуқуқига эга.

Ўқув курси тингловчилари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

34. Ўқув курси тингловчилари:

а) ўқув курсларида таълим олаётган даврида:

ўзлари таҳсил олаётган олий таълим муассасасининг (академик мобиллик асосида ўқиши ташкил этилган Тошкент шаҳридаги давлат олий таълим муассасасининг) белгиланган таълим дастурларини ҳамда ўқув курсини тўлиқ ўзлаштириши;

қонунчилик ҳужжатларига, одоб-ахлоқ қоидаларига, шунингдек, ҳамкор ташкилотлар томонидан ўрнатилган қоида ва талабларга қатъий риоя этиши;

ўзининг хатти-ҳаракатлари билан ташкилотчиларга ёки учинчи шахсларга моддий зарар етказган ҳолларда, қонунчиликка мувофиқ ўз ҳисобидан етказилган зарарни қоплаши;

б) ўқув курсларини тамомлагандан сўнг:

бакалавр даражасини олган кундан бошлаб олти ой давомида давлат органлари ва ташкилотлардаги вакант жойларга давлат фуқаролик хизматчиси сифатида ишга кириш учун белгиланган тартибда [vacancy.argos.uz](http://vacancy.argos.uz) тизими орқали очиқ танловга ариза топшириши;

белгиланган тартибда очиқ танлов ғолиблигини қўлга киритгач, иш берувчи ташкилотда камида бир йил давомида узлуксиз ишлаб бериши;

меҳнат фаолияти бошланган кундан сўнг бир ой муддатда меҳнат шартномаси нусхасини «Улугбек» жамғармасига маълумот шаклида тақдим этиши шарт.

Ўқув курси тингловчилари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ўз зиммасига бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

Ўшбу бандда белгиланган талаблар магистр ва ундан сўнг PhD (фан доктори) даражасини олиш мақсадида маҳаллий ёки хорижий олий таълим ташкилотларига қабул қилинган тингловчиларга татбиқ этилмади.

### **6-боб. Ўқув курсларини ташкил этишнинг молиявий харажатларини қоплаш тартиби**

35. Тошкент шаҳридаги Инха университети томонидан тузилган харажатлар сметасига асосан Рақамли технологияларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан ўқув курсини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар қоплаб берилади.

36. Тошкент шаҳридаги Инха университети харажатлар сметасида ўқув курсини ташкил этишда қўйидаги харажатлар назарда тутилади:

ўқув курсларига иқтидорли тингловчиларни қабул қилиш учун танлов жараёнларини ўтказиш ҳамда таълим бериш учун маҳаллий ва хорижий мутахассисларни жалб этиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

белгиланган фанлар бўйича ўқув дастурларига мос рақамли контент танлаш, ишлаб чиқиш ва интеграция қилиш, ўқув курсларида таълим жараёнларини назорат қилувчи LMS (Learning Management System) тизимини яратиш, такомиллаштириш ва қўллаб-қувватлаш;

тингловчилар учун ўқув курслари йўналишлари бўйича IT-парк резидентлари бўлган ташкилотларда амалиётларда қатнашиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

тингловчилар учун ўқув курсларида ўқиши давомида базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт баравари миқдорида ҳар ойда бир маротаба рағбатлантириб бориш;

ўқув курсларига қабул қилинган тингловчиларнинг таълим олиш муддатига зарур компьютер жиҳозлари (ноутбук) тақдим этиш;

тингловчиларни зарур ўқув адабиётлари, интернет алоқаси, бошқа алоқа воситалари ва рақамли контентлар билан ҳамда ўқув аудиторияларини компьютер ва ташкилий техника билан таъминлаш;

ўқув курсларига қабул қилинган тингловчиларни ўқиш давомида бир маҳал иссиқ овқат билан таъминлаш.

### 7-боб. Яқунловчи қоидалар

37. Танлов тўғрисидаги маълумотлар ва унинг натижалари ташкилотчилар ва уларнинг тизимидаги ташкилотларнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтлари ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

38. Ушбу Низом талабларини бузган айбдор шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

«Мирзо Улуғбек ворислари» тайёрлов ўқув курсларига иқтидорли тингловчиларни қабул қилиш ва уларни ўқитиш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

### «Мирзо Улуғбек ворислари» тайёрлов ўқув курсларига иқтидорли тингловчиларни қабул қилишнинг биринчи босқич натижаларини БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Т/р	Баҳолаш мезонлари	Максимал балл
1.	Тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва расмийлаштириш сифати	5 балл
2.	Номзоднинг таълим олаётган олий таълим муассасасидаги 2 йиллик академик кўрсаткичлари	20 балл
	агар номзоднинг ўртача GPA балли — 3 — 3,5 бўлса	5 балл
	агар номзоднинг ўртача GPA балли — 3,51 — 4,5 бўлса	10 балл
	агар номзоднинг ўртача GPA балли — 4,51 ва ундан юқори бўлса	20 балл
3.	Танлов йўналишидаги илмий фаолияти	5 балл
	нуфузли ва халқаро нашрлардаги мақолалар сони: бешта ва ундан ортиқ бўлса — 3 балл; бештадан кам бўлса — 2 балл.	3 балл
	илмий тадқиқотлар ва нашрларнинг эълон қилинган мавзуга мувофиқлиги	2 балл
4.	Мотивацион хат мазмуни	20 балл
5.	Хорижий тилларни билиш даражаси*	15 балл
	агар номзод В1 даражадаги хорижий тил сертификатиغا эга бўлса	5 балл
	агар номзод В2 даражадаги хорижий тил сертификатиغا эга бўлса	10 балл
	агар номзод С1 даражадаги хорижий тил сертификатиغا эга бўлса	15 балл
6.	Халқаро IT-сертификатнинг мавжудлиги**	15 балл
	агар номзод бошланғич даражадаги сертификатга эга бўлса	5

	агар номзод ўрта даражадаги сертификатга эга бўлса	10
	агар номзод профессионал даражадаги сертификатга эга бўлса	15
<b>7.</b>	<b>IQ тест (онлайн тест)</b>	<b>20 балл</b>
<b>Жами</b>		<b>100 балл</b>

*Изоҳ. Ушбу баҳолаш мезонларига Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан тегишли вазирликлар ва идоралар билан келишилган ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.*

*\* Мазкур мезон тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тасдиқланган хорижий тилларни билиш даражасини баҳоловчи халқаро тан олинган сертификатлар рўйхатига мувофиқ баҳоланади.*

*\*\* Мазкур мезон Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан тасдиқланган ва «it-istedod.uz» порталида эълон қилинган халқаро IT-сертификатлар рўйхатига мувофиқ баҳоланади.*

«Мирзо Улугбек ворислари» тайёрлов  
ўқув курсларига иқтидорли тингловчиларни  
қабул қилиш ва уларни ўқитиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

**«Мирзо Улугбек ворислари» тайёрлов ўқув курсларига иқтидорли тингловчиларни  
қабул қилишнинг учинчи bosқичи бўйича суҳбатдан ўтган номзодларнинг жавобларини  
БАҲОЛАШ ВАРАҚАСИ**

Сана: 20 \_\_\_\_ « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

Номзоднинг Ф.И.О. \_\_\_\_\_

*1-жадвал*

Т/р	Баҳолаш мезонлари	Баллар (максимал балл — 50 балл)				
		0 — 5	6 — 10	11 — 15	16 — 20	21 — 25
1.	Мамлакатда рақамлаштириш соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушуниш (электрон ҳукумат, рақамли иқтисодиёт, рақамли таълим, телекоммуникация ва бошқа соҳалардаги ислохотлар ҳақида тасаввур ва фикрлаш қобилиятининг мавжудлиги)					
2.	Йўналишни танлашда мотивация (таълим олаётган олий таълим муассасасидаги йўналишининг моҳияти ва ижтимоий аҳамиятини тушуниш, унга доимий қизиқиш билдириш), математика ва ахборот технологиялари (бошланғич дастурлаш) соҳасидаги билим ва кўникмаларининг мавжудлиги (ўз фикрини баён қилиш ва таҳлил қилиш)					

2-жадвал

Т/р	Баҳолаш мезонлари	Баллар (максимал балл — 50 балл)					
		0	1	2	3	4	5
1.	Шахсий-касбий хусусиятлар:						
1.1	қарор қабул қилишда мустақиллик даражаси						
1.2	манتيкий фикрлаш						
1.3	мақсадга ва янгилликларга интилувчанлик						
1.4	касбий вазифаларни ҳал қилишда амалий фаолият						
1.5	режалаштириш қобилияти						
1.6	тақдирот қилиш қобилияти						
1.7	мулоқотга киришувчанлик қобилияти						
1.8	масъулиятлилиқ ва интизомлилиқ						
1.9	ўз устида ишлаш ва ижодқорлик қобилиятлари						
1.10	стрессга чидамлилиқ						

Изоҳ.

Сухбат ўтказиш бўйича комиссия аъзоси:

Имзо \_\_\_\_\_

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил 19 майдаги 206-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 18 январдаги  
«Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш «Улуғбек» жамғармаси  
фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги  
30-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 2-банднинг бешинчи хатбошисидан «ушбу танловлар фолиби бўлган» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. 2-илованинг 24 ва 25-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**170** Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш учун масъул ходимлари малакасини ошириш ва рейтинг баҳолашни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 22 августдаги ПҚ–357-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 2023 йил 1 июлдан республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг (кейинги ўринларда — давлат органлари) ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш учун масъул ходимларининг (кейинги ўринларда — ходимлар) рейтинг баҳолаш тизими асосида малакасини уч йилда бир маротаба мажбурий ошириш тартиби жорий этилсин.

2. Ходимларнинг малакасини ошириш жараёнларини мувофиқлаштиришга масъул ваколатли орган этиб — Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги, ишчи орган этиб — Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасаси белгилансин.

3. Белгилансинки:

ходимларнинг малакасини ошириш ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, барча турдаги таълим ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан тасдиқланадиган ўқув дастурлари асосида амалга оширилади;

ходимларни малака ошириш курсида ўқитишнинг энг кам муддати 24 соатни ташкил этади;

малака ошириш курсини яқунлаган ходимларнинг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича саводхонлиги ишчи орган томонидан икки ой муддатда рейтинг баҳоланади;

ходимларнинг малакасини ошириш билан боғлиқ барча харажатлар уларни малака оширишга юборган давлат органларининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланади;

ишчи орган рейтинг баҳолашдан ўтказиш жараёнини замонавий услубда баҳолаш тизимлари ва инфратузилмасига эга ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга ошириши мумкин;

рейтинг баҳолаш жараёнларини ташкилий ва техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва замонавий баҳолаш воситаларига эга ташкилотлар хизматларидан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги Ўзбекис-

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 22 майда эълон қилинган.



тон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги билан ҳамкорликда 2023 йил 1 августдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида график асосида давлат органларининг биринчи раҳбарлари рақамли технологияларни кенг жорий этиш ва лойиҳаларни самарали амалга ошириш бўйича қисқа муддатли курсларда ўқитилишини ташкил этсин.

5. Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш учун масъул ходимлари малакасини ошириш ва рейтинг баҳолашни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларининг малакаси ва кўникмаларини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда уларни ишда компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида» 2011 йил 27 октябрдаги 289-сон қарорига 2-иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазири Ш.Х. Шерматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 20 май,  
208-сон

---

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил 20 майдаги 208-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият  
органларининг ахборот-коммуникация технологияларини  
ривожлантириш учун масъул ходимлари малакасини ошириш ва  
рейтинг баҳолашни ташкил этиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг тизимига кирувчи ташкилотларнинг (кейинги ўринларда — давлат органлари) ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш учун масъул таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва ходимларининг (кейинги ўринларда — талабгор) ахборот-коммуникация технологиялари (кейинги ўринларда — АКТ) бўйича малакасини ошириш ва рейтинг баҳолашни ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ваколатли орган** — Рақамли технологиялар вазирлиги;

**ишчи орган** — ваколатли орган ҳузуридаги «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасаси;

**рейтинг баҳолаш ахборот тизими** — рейтинг баҳолаш имконини берувчи ягона ахборот тизими (attestat.egov.uz);

**рейтинг баҳолаш гувоҳномаси** — талабгорнинг АКТ бўйича саводхонлик даражасини ҳамда рейтинг баҳолашдан муваффақиятли ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

**рейтинг баҳолаш маълумотномаси** — талабгорнинг АКТ бўйича саводхонлик даражасини ва рейтинг баҳолашдан муваффақиятсиз ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

**рейтинг баҳолаш** — рейтинг мезонлари ёрдамида талабгорнинг АКТ бўйича саводхонлик даражасини баҳолаш усули;

**рейтинг индикатори** — талабгорнинг АКТ бўйича билимларини баҳолашнинг асосий кўрсаткичлари;

**талабгор** — таркибий бўлинма ходими;

**таркибий бўлинма** — давлат органининг ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш учун масъул бўлган, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилган тузилмаси ёки битта штат бирлигидан иборат ходими.

3. Талабгорнинг АКТ бўйича саводхонлиги мос равишда ишчи орган ва ваколатли органнинг ҳудудий бўлинмаларида ҳар уч йилда бир марта рейтинг баҳолашдан ўтказилади.

4. Талабгор рейтинг баҳолашдан ўтиш учун Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали муружаат қилади.

5. Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳолларда масъул таркибий бўлинма ходимларининг АКТ бўйича саводхонлиги улар меҳнат фаолиятини юритаётган давлат органлари томонидан рейтинг баҳолашдан ўтказилиши мумкин. Бунда мазкур давлат органларида рейтинг баҳолаш комиссиясига ваколатли органнинг камида уч нафар вакили киритилиши шарт.

6. Таркибий бўлинмага ишга қабул қилинган янги ходимнинг рейтинг баҳолаш гувоҳномаси бўлмаган тақдирда, ишга қабул қилинган кундан бошлаб олти ой мобайнида рейтинг баҳолашдан ўтказилади.

Биринчи марта ишга қабул қилинган талабгор АКТ соҳасида икки йил иш стажига эга бўлган вақтдан бошлаб, уч ой ичида рейтинг баҳолашдан ўтказилиши керак.

Рейтинг баҳолаш гувоҳномаси уч йил муддатга амал қилади, шунингдек, талабгор рейтинг баҳолаш гувоҳномасининг амал қилиш муддати тугаганидан кейин икки ой давомида рейтинг баҳолашдан ўтиши керак.

АКТ соҳасидаги ихтисосликлар бўйича илмий даражага ёки йўналиши бўйича профессионал даражадаги халқаро IT-сертификатга эга бўлган талабгор рейтинг баҳолашдан ўтказилмайди, шунингдек, ишчи орган ёки ваколатли органнинг ҳудудий бўлинмаси томонидан бундай талабгор сўровига асосан рейтинг баҳолаш гувоҳномаси тақдим этилади.

Мазкур Низомда белгиланган муддатларда талабгорнинг АКТ бўйича саводхонлигини рейтинг баҳолашдан ўтказишни таъминлаш давлат органи раҳбари зиммасига юкланади.

7. Қуйидагилар рейтинг баҳолашдан ўтказилмайди:

ҳомилдор ва уч ёшгача болалари бор аёллар;

18 ёшга тўлмаган шахслар;

фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида ишларни бажараётган ёки хизмат кўрсатаётган шахслар;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ узрли деб топилган ҳолатларда, ушбу ҳолатлар бартараф бўлгунга қадар.

## **2-боб. Рейтинг баҳолаш тартиби**

8. Рейтинг баҳолаш мазкур Низомга 1-иловадаги схемага мувофиқ компьютерда рейтинг баҳолаш ахборот тизими орқали амалга оширилади.

9. Талабгор рейтинг баҳолашдан ўтиш учун ЯИДХПда сўровномани мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ электрон шаклда тўлдиради ва юборади.

10. Сўровномага талабгор томонидан қуйидаги ҳужжатлар электрон шаклда илова қилинади:

АКТ соҳасида энг кам муддати 24 соатни ташкил этадиган малака ошириш курсини тамомлаганлигини тасдиқловчи сертификат;

АКТ соҳасидаги ихтисосликлар бўйича илмий даражасини тасдиқловчи ҳужжат (агар мавжуд бўлса);

йўналиши бўйича профессионал даражадаги халқаро IT-сертификат (агар мавжуд бўлса).

11. Талабгор томонидан сўровномада нотўғри ёки қалбаки маълумотлар

кўрсатилиши рейтинг баҳолашдан ўтказишни рад этиш учун асос ҳисобланади.

12. Ишчи орган ёки ваколатли органнинг ҳудудий бўлинмаси томонидан сўровнома ўрганиб чиқилиб, рейтинг баҳолашдан ўтказишга қабул қилиш ҳақида талабгорга ЯИДХП орқали рейтинг баҳолаш ўтказиладиган кундан беш иш куни олдин, рад этилганда эса уч иш куни ичида маълум қилинади.

Талабгор рейтинг баҳолашдан ўтказишга қабул қилинганда, рейтинг баҳолаш ўтказиладиган сана ва жой белгиланади, рад этилганда рад этиш сабаби кўрсатилади.

13. Талабгор рейтинг баҳолашдан ўтказиладиган манзилга 15 дақиқа олдин етиб келиши лозим.

Ишчи орган ёки ваколатли органнинг ҳудудий бўлинмаси масъулларига талабгор томонидан шахсини тасдиқловчи ҳужжати (биометрик паспорти ёки идентификацияловчи ID картаси) тақдим этилган тақдирда, унинг рейтинг баҳолаш ўтказиладиган аудиторияга киришига рухсат берилади.

14. Рейтинг баҳолаш тест синовлари орқали ўтказилади, бунда талабгор рейтинг баҳолаш ахборот тизимида рейтинг баҳолашдан ўтиш учун Электрон ҳукуматнинг Ягона идентификация тизими орқали идентификациядан ўтади ва тест саволларига жавоб беради.

Тест саволларининг сони ва уларни ечиш вақти давомийлиги ваколатли орган томонидан белгиланади.

15. Рейтинг баҳолашдан ўтказиш 100 баллик тизим асосида баҳоланиб, бунда 55 баллдан юқори балл тўплаган талабгор рейтинг баҳолашдан ўтган деб ҳисобланади.

16. Рейтинг баҳолашдан ўтказишга ажратилган вақт ичида талабгор компьютер воситасида ўтказиладиган тест синовларини яқунлаши шарт. Бунда ушбу талабни бузган талабгор рейтинг баҳолашдан ўтмаган деб ҳисобланади.

17. Рейтинг баҳолашнинг тест саволлари ваколатли орган томонидан ишчи орган ҳамда экспертларни жалб қилган ҳолда тузилади.

Тест саволлари қонунчилик ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда мунтазам янгилаб борилади, шунингдек, тест саволларидан намуналар рейтинг баҳолаш ахборот тизимида эълон қилинади.

18. Рейтинг баҳолашдан ўтказиш жараёнлари узлуксиз видеотасвирга (овозли) туширилади ва видеотасвир ишчи орган томонидан бир йил давомида сақланади.

19. Рейтинг баҳолаш вақтида қуйидагилар тақиқланади:  
қонунчилик ҳужжатлари ва йўриқнома материаллар, ахборотномалар ва махсус адабиётлардан фойдаланиш;  
мобил алоқа воситаси ва бошқа алоқа воситаларидан фойдаланиш;  
бошқа талабгорлар билан суҳбатлашиш;  
аудиториядан ташқарига чиқиш (аудиториядан ташқарига чиққан шахслар қайтиб киритилмайди).

Ушбу бандда белгиланган талабларни бузган талабгорлар аудиториядан чиқариб юборилади ва рейтинг баҳолашдан ўтмаган деб ҳисобланади.

Аудиториядан чиқариб юбориш сабаблари рейтинг баҳолаш ахборот тизимида қайд этилади.

Бегона шахсларга рейтинг баҳолашда иштирок этишга рухсат берилмайди.

20. Рейтинг баҳолашдан ўтмаган деб ҳисобланган талабгорлар бир ой ичида белгиланган тартибда рейтинг баҳолашдан ўтиш учун такроран мурожаат қилади.

21. Талабгорнинг рейтинг баҳолаш ахборот тизимидаги шахсий кабинетида рейтинг баҳолаш натижаси бўйича QR код (матрик штрихли код) қўйилган ҳолда расмийлаштирилган рейтинг баҳолаш гувоҳномаси ёки маълумотномаси автоматик тарзда шаклланади.

22. Рейтинг баҳолаш гувоҳномаси ва маълумотномасининг ҳақиқийлигини текшириш — электрон қурилмада QR код (матрик штрихли код)ни ўқиб олиш орқали амалга оширилади.

Электрон қурилма орқали QR код (матрик штрихли код) ўқилганда (сканер қилинганда), рейтинг баҳолаш гувоҳномаси ва маълумотномасининг ҳақиқийлиги репозиторийдан тегишли ҳужжат берилган санани ва рақамини солиштириш орқали аниқланади.

23. Давлат органларига талабгорнинг рейтинг баҳолаш натижалари ишчи орган томонидан беш иш куни ичида юборилади.

### **3-боб. Рейтинг баҳолаш мезонлари**

24. Рейтинг баҳолаш қўйидаги мезонлар орқали амалга оширилади:

0 — 55 балл — қониқарсиз;

56 — 70 балл — қониқарли;

71 — 85 балл — яхши;

86 — 100 балл — юқори.

25. Рейтинг баҳолаш қўйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

«электрон ҳукумат» тизимини жорий этиш билан боғлиқ билимлар — 20 балл;

«рақамли иқтисодиёт» тизимини жорий этиш билан боғлиқ билимлар — 20 балл;

ахборот хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ билимлар — 20 балл;

АКТ инфратузилмаси ташкил этилиши билан боғлиқ билимлар — 20 балл;

давлат органининг фаолиятига АКТни жорий этиш ҳамда бошқарув қўникмалари билан боғлиқ билимлар — 20 балл.

### **4-боб. Рейтинг баҳолаш маълумотномасини олган талабгорнинг малакасини ошириш тартиби**

26. Давлат органлари тўрт ой муддат ичида талабгорнинг рейтинг баҳолаш маълумотномасида тавсия этилган йўналишлар бўйича қисқа муддатли ўқув курсида малака оширишини ва рейтинг баҳолашдан ўтиш учун такроран мурожаат этишини ташкил этади.

27. Талабгор малака ошириш яқунлангандан сўнг ўн иш куни ичида белгиланган тартибда рейтинг баҳолашдан ўтиш учун такроран мурожаат қилади.

28. Рейтинг баҳолашдан такроран ўта олмаган талабгорга рейтинг баҳолашдан муваффақиятли ўтгунга қадар давлат органи томонидан белгиланган устама ҳақ тўлаш тарзидаги моддий рағбатлантиришга йўл қуйилмайди.

29. Давлат органи такроран рейтинг баҳолашдан ўта олмаган талабгорнинг лавозимга лойиқлик масаласини кўриб чиқади.

### **5-боб. Рейтинг баҳолаш гувоҳномалари ва маълумотномалари реестрларини юритиш тартиби**

30. Рейтинг баҳолаш ахборот тизимидаги рейтинг баҳолаш натижаси бўйича QR код (матрик штрихли код) қўйилган ҳолда расмийлаштирилган рейтинг баҳолаш гувоҳномаси ёки маълумотномаси мазкур Низомга 3 ва 4-иловаларга мувофиқ автоматик тарзда шаклланади.

31. Ишчи орган рейтинг баҳолаш гувоҳномаси ва маълумотномасининг реестрларини юритади.

32. Рейтинг баҳолаш гувоҳномалар реестрида қуйидаги маълумотлар қайд этилади:

талабгорнинг фамилияси, исми, отасининг исми;  
биометрик паспорт ёки идентификацияловчи ID карта маълумотлари;  
рейтинг баҳолаш ўтказилган сана;  
рейтинг баҳолаш натижаси (балл);  
рейтинг баҳолаш натижаси (даражаси);  
рейтинг баҳолаш гувоҳномасини ҳисобга олиш рақами ва берилган санолиги;

рейтинг баҳолаш гувоҳномасининг амал қилиш муддати.

33. Рейтинг баҳолаш маълумотномалари реестрида қуйидаги маълумотлар қайд этилади:

талабгорнинг фамилияси, исми, отасининг исми;  
биометрик паспорт ёки идентификацияловчи ID карта маълумотлари;  
рейтинг баҳолаш ўтказилган сана;  
рейтинг баҳолаш натижаси (балл);  
рейтинг баҳолаш натижаси (даражаси);  
рейтинг баҳолаш маълумотномаси берилган сана;  
малака ошириш йўналишлари бўйича тавсия.

### **6-боб. Апелляцияни кўриб чиқиш**

34. Рейтинг баҳолашдан ўта олмаган талабгор рейтинг баҳолаш ўтказилган кундан бошлаб 20 календарь кун ичида ишчи органга апелляция бериш ҳуқуқига эга.

Апелляция рейтинг баҳолаш ахборот тизимида талабгорнинг шахсий кабинетини орқали электрон шаклда тақдим этилади.

Ишчи орган бир ҳафта муддатда киритилган апелляцияни кўриб чиқа-

ди ва рейтинг баҳолаш ахборот тизимида талабгорга қабул қилинган қарор ҳақида шахсий кабинети орқали электрон шаклда хабар беради.

35. Апелляцияни кўриб чиқиш натижалари юзасидан ишчи орган томонидан қўйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

рейтинг баҳолаш натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида;

апелляцияни қаноатлантириш ва талабгорни рейтинг баҳолашдан муваффақиятли ўтган деб ҳисоблаш тўғрисида;

апелляция берган талабгорнинг рейтинг баҳолаш ушбу Низом талабларига зид равишда ўтказилганлиги ҳолатлари аниқланганда, рейтинг баҳолашни такроран ўтказиш тўғрисида.

36. Рейтинг баҳолаш натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қўйидаги ҳолларда қабул қилинади:

апелляция мазкур Низом талабларини бузган ҳолда тақдим этилган бўлса; апелляцияда кўрсатилган важлар ўз тасдиғини топмаса.

37. Ишчи орган томонидан апелляция берган талабгор учун рейтинг баҳолашни такроран ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, такрорий рейтинг баҳолаш мазкур Низомда белгиланган тартибда ўтказилади.

38. Талабгор такроран апелляция бериши мумкин эмас.

39. Ишчи органнинг қарори устидан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ судга шикоят қилиниши мумкин.

### **7-боб. Яқунловчи қоидалар**

40. Ваколатли орган ушбу Низом талабларига риоя этилиши таъминлаш мақсадида давлат органларининг фаолияти бўйича мониторинг олиб боради.

41. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш учун масъул ходимлари малакасини ошириш ва рейтинг баҳолашни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

**Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият  
органларининг ахборот-коммуникация технологияларини  
ривожлантириш учун масъул ходимлари малакасини ошириш ва  
рейтинг баҳолашни ташкил этиш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Талабгор	Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасасига (кейинги ўринларда — ишчи орган) мурожаат қилади.	Белгиланган муддатларда
2-босқич	Ишчи орган ва Рақамли технологиялар вазирлигининг худудий бўлинмаси	1. Сўровномада келтирилган маълумотлар ҳақиқийлигини текширади ва қабул қилади. 2. Талабгорга ЯИДХП орқали рейтинг баҳолаш ўтказиладиган сана ва жой ёки рейтинг баҳолашдан ўтказиш рад этилганлиги тўғрисида электрон хабарнома юборди.	Баҳолаш ўтказиладиган санадан 5 иш куни олдин
3-босқич	Талабгор	Рейтинг баҳолашдан ўтиш учун «электрон ҳукумат»нинг ягона идентификация тизими орқали идентификациядан ўтади ва тест саволларига жавоб беради.	Белгиланган муддатларда
4-босқич	Ишчи орган	Талабгор рейтинг баҳолашдан муваффақиятли ўтганда QR-код қўйилган рейтинг баҳолаш гувоҳномаси расмийлаштирилади ва талабгорга рейтинг баҳолаш ахборот тизими орқали юборилади.	Реал вақт режимида



5-босқич	Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органи	Талабгор рейтинг баҳолашдан ўта олмаган тақдирда: 1. Баҳолаш маълумотномасида тавсия этилган йўналишлар бўйича 24 соатдан кам бўлмаган ўқув курсларида малакасини оширади; 2. Такрор рейтинг баҳолашдан ўтишини таъминлайди.	1. 4 ой мобайнида 2. 10 иш куни мобайнида
6-босқич	Ишчи орган	Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига талабгорнинг рейтинг баҳолаш натижаларини юборади.	5 иш куни мобайнида

Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш учун масъул ходимлари малакасини ошириш ва рейтинг баҳолашни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

(сана)

(рақам)

### Рейтинг баҳолашдан ўтиш учун СЎРОВНОМА

#### Талабгор ҳақидаги маълумотлар:

1. Ф.И.О.:	
2. Биометрик паспорт ёки идентификацияловчи ID-карта серияси ва рақами:*	
3. ЖШШИР:	
4. Тест ўтказиладиган ҳудуд:	
5. Тест ўтказиладиган тил:	
6. Телефон рақами:	
7. Яшаш манзили:*	
8. Иш жойи ва стажи:*	

\* Электрон ҳукумат идоралараро интеграциялашув платформасидан фойдаланган ҳолда, рейтинг баҳолаш ахборот тизимида ([attestat.egov.uz](http://attestat.egov.uz)) автоматик шакллантирилади.

Республика ва маҳаллий ижро этувчи  
хокимият органларининг ахборот-коммуника-  
ция технологияларини ривожлантириш учун  
масъул ходимлари малакасини ошириш ва  
рейтинг баҳолашни ташкил этиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
3-ИЛОВА

**Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида  
рейтинг баҳолашдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома  
шакли**

Ўзбекистон Республикаси  
Рақамли технологиялар  
вазирлиги

*Ўзбекистон Республикаси  
герби*

The Ministry of Digital  
technologies of the  
Republic of Uzbekistan

**Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида рейтинг  
баҳолашдан ўтганлиги тўғрисидаги**

**ГУВОҲНОМА**

\_\_\_\_\_ -сон

Ф.И.О.: \_\_\_\_\_

Биометрик паспорт ёки идентификацияловчи ID карта маълумотлари:

\_\_\_\_\_

Рейтинг баҳолаш ўтказилган сана: \_\_\_\_\_

Рейтинг баҳолаш натижаси (балл): \_\_\_\_\_

Рейтинг баҳолаш натижаси (даражаси): \_\_\_\_\_

Берилган сана: \_\_\_\_\_

Амал қилиш муддати: \_\_\_\_\_

QR-kod

Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги  
Манзили: Тошкент, 100047, Амир Темур шоҳ кўчаси 4-уй  
Телефон: (998 71) 238-41-59 E-mail: info@mitc.uz

Республика ва маҳаллий ижро этувчи  
хокимият органларининг ахборот-коммуника-  
ция технологияларини ривожлантириш учун  
масъул ходимлари малакасини ошириш ва  
рейтинг баҳолашни ташкил этиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
4-ИЛОВА

**АКТ бўйича саводхонлик даражасини рейтинг баҳолаш  
натижаси тўғрисидаги маълумотнома шакли**

Ўзбекистон Республикаси  
Рақамли технологиялар  
вазирлиги

*Ўзбекистон  
Республикаси герби*

The Ministry of Digital  
technologies of the  
Republic of Uzbekistan

**АКТ бўйича саводхонлик даражасини рейтинг баҳолаш  
натижаси тўғрисида**

**МАЪЛУМОТНОМА**

\_\_\_\_\_ -сон

**Ф.И.О.:** \_\_\_\_\_

**Биометрик паспорт ёки идентификацияловчи ID карта  
маълумотлари:**

\_\_\_\_\_

**Рейтинг баҳолаш ўтказилган сана:** \_\_\_\_\_

**Рейтинг баҳолаш натижаси (балл):** \_\_\_\_\_

**Рейтинг баҳолаш натижаси (даражаси):** \_\_\_\_\_

**Берилган сана:** \_\_\_\_\_

**Малака ошириш йўналишлари бўйича тавсия:** \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

QR-код

Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги  
Манзили: Тошкент, 100047, Амир Темур шоҳ кўчаси 4-уй  
Телефон: (998 71) 238-41-59 E-mail: info@mitc.uz

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил 20 майдаги 208-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви,  
маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларининг малакаси  
ва кўникмаларини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар  
ҳамда уларни ишда компьютер техникаси ва ахборот-  
коммуникация технологияларидан фойдаланиш юзасидан  
аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида» 2011 йил  
27 октябрдаги 289-сон қарорига киритилаётган  
қўшимчалар**

1. 1-илованинг 1-банди қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ушбу талаблар республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш учун масъул таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва ходимларига нисбатан татбиқ этилмайди»;

2. 2-илованинг муқаддимасида:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ушбу Низом талаблари республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш учун масъул таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва ходимларига нисбатан татбиқ этилмайди»;

учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ****171 Тўлов тизими операторларининг ва тўлов ташкилотларининг фаолиятини назорат қилиш ва қузатувни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
15 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3434*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ҳамда «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Тўлов тизими операторларининг ва тўлов ташкилотларининг фаолиятини назорат қилиш ва қузатувни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили ҳамда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

**Марказий банк раиси****М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 18 апрель,  
8/4-сон

*Келишилди:*

*Тадбиркорлик субъектларининг  
ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини  
ҳимоя қилиш бўйича вакил*

**Д. КАСИМОВ**

*2023 йил 3 апрель*

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 16 майда эълон қилинган.

*Савдо-саноат  
палатаси раиси*

*Д. ВАХАБОВ*

*2023 йил 25 март*

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг 2023 йил  
18 апрелдаги 8/4-сон қарорига  
ИЛОВА

**Тўлов тизими операторларининг ва тўлов ташкилотларининг  
фаолиятини назорат қилиш ва кузатувни амалга ошириш  
тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади) томонидан тўлов тизими операторларининг ва тўлов ташкилотларининг фаолиятини назорат қилиш ва кузатувни амалга ошириш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**тўлов тизими оператори** — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўлов тизимининг ишлашини таъминлаш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс;

**тўлов ташкилоти** — банк ҳисобланмайдиган, тўлов хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган юридик шахс;

**масофавий назорат** — тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари томонидан тақдим этиладиган ва (ёки) уларнинг ахборот тизимларидан олинadиган маълумотлар таҳлиliga асосланган назорат тури.

2. Мазкур Низом Марказий банк томонидан берилган лицензияга эга бўлган тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотларига нисбатан қўлланилади.

3. Тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари фаолиятини назорат қилишда Марказий банк:

тўлов тизимлари операторларидан ва тўлов ташкилотларидан тўлов тизимларининг ишлаши билан боғлиқ ахборотни, шу жумладан, шахсга доир маълумотларни ўз ичига олган ахборотни сўраб олади;

тўлов тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари томонидан тўлов тизимларининг ишлаши тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этиш шакллари ва муддатларини, шунингдек, ҳисоботларни тузиш услубиётини белгилайди;

тўлов тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари томонидан тўлов тизимларининг ишлаши тўғрисида тақдим этилган ахборотни таҳлил қилади;

тўлов тизимлари операторларининг ва тўлов ташкилотларининг фаолиятини инспекция текширувларидан ўтказди;

тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилган тақдирда тўлов тизимларининг операторларига ва тўлов ташкилотларига нисбатан чоралар ҳамда санкциялар қўллаёди.

4. Марказий банк йилда камида бир марта тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги маълумотларни Марказий банкнинг расмий веб-сайтида эълон қилади.

## **2-боб. Тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари томонидан тақдим этиладиган ахборотлар**

5. Марказий банк тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари фаолиятини назорат қилиш ва кузатувни амалга ошириш мақсадида мазкур бобда белгиланган тўлов тизими операторларининг фаолиятига доир ва тўлов ташкилотлари томонидан кўрсатилган тўлов хизматлари бўйича ахборотларни олади ҳамда таҳлил қилади.

Ахборотлар тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари томонидан Марказий банкка электрон шаклда тақдим этилади ва (ёки) ахборот тизимлари орқали автоматлаштирилган тарзда юборилади.

6. Тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари томонидан ҳар куни кун якуни бўйича амалга оширилган транзакциялар сони ва миқдори ҳақидаги ахборотлар Марказий банкка ахборот тизимлари орқали автоматлаштирилган тарзда узатилади.

7. Тўлов тизими операторлари ҳар ойда кейинги ойнинг 5 санасидан кечиктирмай тўлов тизими фаолияти тўғрисидаги қуйидаги ахборотларни Марказий банкка тақдим этиши керак:

персонализация қилинган банк карталари ва дастурланган терминаллар сони;

тўлов тизими операторлари фаолиятини амалга оширишда ўтказилган синовлар бўйича ахборотлар, агар синовлар ўтказилган бўлса;

электрон терминаллар (E-POS) реестридан кўчирма.

8. Тўлов ташкилотлари ҳар ойда кейинги ойнинг 5 санасидан кечиктирмай тўлов ташкилоти томонидан кўрсатилган тўлов хизматлари тўғрисидаги, шу жумладан, тўлов хизматларидан фойдаланувчилар сони, тўлов агентлари ва тўлов субагентлари ҳамда уларнинг жойлашган манзили тўғрисидаги ахборотларни Марказий банкка тақдим этиши керак.

9. Тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилотлари ҳар йили кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай қуйидаги йиллик ахборотларни Марказий банкка тақдим этиши керак:

ўтган йил давомида тўлов тизими оператори ёки тўлов ташкилотлари фаолиятини амалга оширишда ўтказилган синовлар тўғрисидаги ахборотлар, агар синовлар ўтказилган бўлса;

тўлов тизимидаги ва тўлов ташкилотлар фаолиятининг узлуксизлигига қилинган таҳдидлар, аниқланган таваккалчиликлар, таваккалчиликларни баҳолаш ва уларни бартараф этиш чоралари ҳамда натижадорлиги тўғрисидаги маълумотлар.

10. Тўлов тизими оператори ёки тўлов ташкилотлари фаолиятини амалга ошириш жараёнида операцион таваккалчилик юзага келган, уларнинг ахборот тизимларида узилишлар кузатилган ёхуд тўлов тизими ёки тўлов хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятга ўзгартиришлар киритилган кундан бошлаб уч иш куни ичида Марказий банкка мазкур ҳолатларни тавсифловчи ахборотларни тақдим этиши шарт.

Тўлов тизими оператори ёки тўлов ташкилотлари томонидан фаолиятида юз берган узилишлар тўғрисидаги Марказий банкка тақдим этиладиган ахборотда ушбу узилиш сабаблари ва давомийлиги, узилишнинг тўлов хизматларига, иштирокчиларга ва (ёки) фойдаланувчиларга таъсирининг қўлами, тўлов тизимини қайта тиклашдаги чоралар ҳамда келгусида бу каби ҳолатлар такрорланмаслиги учун йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш муддатлари кўрсатилади.

11. Тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари тўлов тизимига ёки тўлов хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятга ўзгаришлар киритишни режалаштирган тақдирда, мазкур ўзгаришларни амалга оширишдан ўттиз кун олдин ўзгартиришлар бўйича ҳаракатлар режасини Марказий банкка тақдим этиши керак.

Марказий банк ўттиз кун ичида ўзгартиришлар бўйича ҳаракатлар режасини кўриб чиқиб, таваккалчиликларни баҳолайди ҳамда зарур ҳолларда тегишли тавсиялар ва кўрсатмалар бериши мумкин.

12. Ўзгартиришлар бўйича ҳаракатлар режаси киритиладиган ўзгартиришлар, режалаштирилган чора-тадбирлар тавсифи ҳамда уларнинг таваккалчиликларни бошқаришга таъсирини баҳолашни ўз ичига олади.

Тўлов тизими оператори тўлов тизимига ўзгартиришлар киритганда, тўлов тизими қоидаларига ҳам ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши лозим.

### **3-боб. Тўлов тизими операторлари фаолияти устидан кузатувни амалга ошириш**

13. Марказий банк тўлов тизими операторлари фаолияти устидан кузатувни амалга оширишда уларнинг фаолиятига доир ахборотларни умумлаштиради, тизимлаштиради ва таҳлил қилади.

14. Тўлов тизими оператори қўйидаги мезонлардан бирига жавоб берса, Марказий банк ушбу тўлов тизими операторини муҳим тўлов тизими оператори жумласига киритади:

агар тўлов тизимининг узлуксиз ишлаши Ўзбекистон Республикаси тўлов хизматлари бозорининг барқарор фаолият кўрсатишига ёрдам берса, унинг ишидаги тўхталишлар (узилишлар) эса Ўзбекистон Республикаси тўлов хизматлари бозорида таваккалчиликларнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин бўлса;

тўлов тизими инфратузилмасида икки миллиондан ортиқ фаол (бир ой давомида камида бир марта электрон тўлов воситасига маблағ кирим қилган) тўлов хизматларидан фойдаланувчилар мавжуд бўлса;

бир йил давомида тўлов тизими орқали амалга оширилган тўловлар ҳаж-



ми ушбу турдаги тўловлар умумий ҳажмининг йигирма беш фоизидан кўп улушини эгаллаган бўлса;

бир йил давомида тўлов тизими орқали амалга оширилган тўловлар ҳажми ўн икки триллион сўмдан кўп бўлса.

15. Муҳим тўлов тизимлари фаолияти устидан кузатувни амалга оширишда Марказий банк:

муҳим тўлов тизимларининг фаолиятини халқаро стандартларга ҳамда Марказий банк талабларига мувофиқлиги юзасидан баҳолашни ўтказди;

муҳим тўлов тизими операторларининг фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

муҳим тўлов тизими операторлари томонидан тайёрланган таваккалчиликларни баҳолаш ҳамда уларни бартараф этиш чоралари тўғрисидаги ахборотда амалга оширилиши керак бўлган чора-тадбирларнинг ижросини назорат қилади;

муҳим тўлов тизими операторлари фаолиятида узилишлар рўй берган тақдирда, ушбу узилишларни бартараф этиш тўғрисида ёзма равишда кўрсатма беради.

#### **4-боб. Тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари фаолиятини масофавий назорат қилиш**

16. Марказий банк тўлов тизими операторлари ҳамда тўлов ташкилотлари томонидан тақдим этиладиган ахборотлар ва (ёки) уларнинг ахборот тизимларидан олинadиган маълумотлар, электрон ҳужжатлар ҳамда бошқа маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш, сирли миждоз сифатида назорат тўловларини ўтказиш орқали масофавий назоратни амалга оширади.

17. Масофавий назорат жараёнида тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотларининг фаолиятида хатолик ёки қоидабузарликлар аниқланган тақдирда, Марказий банк бу ҳақида маълумотнома тайёрлайди ҳамда уни бартараф этиш бўйича кўрсатма беради.

Марказий банк масофавий назорат натижалари бўйича тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотларининг фаолияти, тўлов тизими, тўлов хизматлари ҳамда жараёнини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиши ва тақдим этиши мумкин.

18. Марказий банк тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотларига масофавий назорат жараёнида аниқланган тўлов тизимлари тўғрисидаги қонунчилик талабларининг бузилиши билан боғлиқ қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича қўйидаги кўрсатмаларни беришга ҳақли:

тўлов ташкилотларининг электрон терминаллари (E-POS) орқали қонунчилик ҳужжатларида тақиқланган айрим тоифадаги операцияларнинг амалга оширилишини чеклаш ёки тўхтатиш;

фаолиятга доир айрим тоифадаги операция ёки жараёнларни амалга ошириш тартибини белгилаш.

Кўрсатмалар тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотларига ёзма ёки ахборот тизимлари орқали электрон шаклда тақдим этилади.

**5-боб. Тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари фаолиятини инспекция текширувидан ўтказиш**

19. Марказий банк тўлов тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларининг фаолиятини бир йилда кўпи билан бир марта инспекция текширувларидан ўтказишга ҳақли.

Муҳим тўлов тизимининг узлуксиз фаолият кўрсатишида бузилишлар бўлган тақдирда, Марказий банк навбатдан ташқари инспекция текширувини ўтказишга ҳақли.

20. Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларининг инспекция текшируви Марказий банкнинг Банк назорати қўмитаси қарори билан тайинланган Марказий банкнинг инспекция текшируви ўтказишга масъул таркибий бўлинмаси (бўлинмалари) ходимлари (бундан буён матнда Марказий банкнинг ваколатли вакиллари деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

21. Инспекция текширувлари тўлов тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари фаолиятининг айрим масалалари бўйича ўтказилиши ёки комплекс текширувлар бўлиши мумкин.

22. Қуйидаги ҳолларда айрим масалалар бўйича инспекция текшируви ўтказилиши мумкин:

тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотларининг таваккалчиликларини баҳолаш натижалари асосида;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларнинг сўровлари асосида;

жисмоний ва юридик шахсларнинг қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида.

23. Инспекция текширувининг муддати 30 календарь кундан ошмаслиги лозим.

24. Марказий банкнинг ваколатли вакиллари тўлов тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари фаолиятини инспекция текширувидан ўтказиш жараёнида қуйидагиларга ҳақлидир:

ҳужжатларни олиш ва текшириш;

зарур бўлганда, текширув материалларига илова қилиш учун ҳужжатлардан кўчирма нусхалар олиш;

фаолиятга доир масалалар бўйича оғзаки ва ёзма тушунтиришлар олиш;

фаолиятни амалга ошириш жойларига кириш;

ташкilotнинг ахборот тизимларига кириш, шу жумладан электрон шаклда маълумот олиш (электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурнинг бошланғич матнларидан ташқари).

25. Агар сўралган маълумотлар ва ҳужжатлар бошқа тилда тайёрланган бўлса, Марказий банкнинг ваколатли вакиллари ушбу маълумотлар ва ҳужжатларни давлат тилида тақдим этилишини талаб қилишга ҳақли.

26. Марказий банкнинг ваколатли вакиллари текширув давомида ўзларига маълум бўлган тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотларининг тижорат ва хизмат сирини ташкил этувчи маълумотларни учинчи шахсларга ошкор этмаслиги лозим.

27. Тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари Марказий банкнинг ваколатли вакилларига текширувларни ўтказишга тўсқинлик қилмаслиги ва инспекция ўтказиш учун барча шарт-шароитларни яратиши, Марказий банкнинг ваколатли вакилларига амалий ёрдам кўрсатиш, шу жумладан, уларнинг саволларига зарур тушунтиришлар бериш учун ходимларни бириктириши керак.

28. Инспекция текшируви якунлари бўйича Марказий банкнинг ваколатли вакиллари тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда тўлов тизими оператори ёки тўлов ташкилоти фаолияти тўғрисидаги умумий ахборот ва текширув жараёнида аниқланган қоидабузарликлар ҳақидаги маълумотнома-ни ўз ичига олган текширув далолатномасини икки нусхада тузади.

29. Марказий банкнинг ваколатли вакиллари текширув далолатномасининг бир нусхасини инспекция текшируви ўтказилган тўлов тизими оператори ёки тўлов ташкилотига топшириши лозим. Инспекция текшируви ўтказилган тўлов тизими оператори ёки тўлов ташкилоти текширув далолатномасини қабул қилган кундан бошлаб уч иш куни ичида ўз эътирозларини бериши мумкин. Эътирозлар текширув далолатномасига илова қилиниши лозим.

#### **6-боб. Тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотларига қўлланадиган чоралар ва санкциялар**

30. Марказий банк тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари фаолиятини назорат қилиш жараёнида улар томонидан «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги Қонун ҳамда бошқа қонунчилик талаблари бузилганлигини аниқлаган тақдирда, тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилотларига нисбатан ушбу Қонун ҳамда мазкур Низомда белгиланган тартибда чоралар ва санкциялар қўллашга ҳақли.

31. Тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотларига нисбатан чоралар ва санкцияларни қўллаш тўғрисидаги қарор Марказий банкнинг Банк назорати қўмитаси томонидан қабул қилинади.

32. Марказий банкнинг Банк назорати қўмитаси тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотларига нисбатан чоралар ва санкцияларни қўллашда қуйидагиларни ҳисобга олади:

таваккалчиликнинг даражаси, қоидабузарликларнинг хусусияти, миқёси ва оқибатларини;

қоидабузарликларнинг тизимлилиги ва давомийлигини;

йўл қўйилган қоидабузарликларнинг тўлов тизимининг узлуксиз ишлашига таъсирини;

тўлов тизими операторлари ёки тўлов ташкилотларига нисбатан қўлланиладиган чоралар ва санкциялар натижасида вазиятни ўзгартириш имкониятини;

аниқланган қоидабузарликлар ва (ёки) таваккалчиликларнинг юзага келишига олиб келган сабабларни;

Марказий банк томонидан ахборот хавфсизлигини (киберхавфсизликни) таъминлаш бўйича белгиланган талабларнинг бажарилмаганлиги натижасида

тўлов тизими операторлари ёки тўлов ташкилотларида юзага келган кибер-хавфсизлик ҳодисаларини;

илгари қўлланилган чоралар ва санкциялар таъсирининг самарадорлигини (натижадорлигини).

33. Агар тўлов тизими операторлари ёки тўлов ташкилотлари томонидан йўл қўйилган жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик талабларининг, тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисидаги қонунчилик талабларининг бузилишлари тўлов тизимининг узлуксиз ишлашига бевосита таъсир кўрсатмаса, Марказий банк:

тўлов тизими операторининг ва (ёки) тўлов ташкилотининг бошқарув органларини аниқланган қоидабузарлик тўғрисида йўл қўйилган қоидабузарликни ва у бартараф этилиши керак бўлган муддатни кўрсатган ҳолда ёзма шаклда хабардор қилади, бунда мазкур муддат ўн иш кунидан кам бўлмаслиги керак;

тўлов тизими операторининг ва (ёки) тўлов ташкилотининг бошқарув органларига аниқланган қоидабузарликни бартараф этиш бўйича тавсиялар юборади.

34. Агар тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари томонидан йўл қўйилган юқорида кўрсатилган қонунчилик ҳужжатларининг бузилишлари тўлов тизимининг узлуксиз ишлашига салбий таъсир кўрсатса, Марказий банк тўлов тизими оператори ва (ёки) тўлов ташкилотининг бошқарув органларига қоидабузарликнинг бартараф этилиши тўғрисида уни бартараф этиш муддатини кўрсатган ҳолда кўрсатма юборади, бу муддат ўн иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

35. Тўлов тизими оператори ва (ёки) тўлов ташкилоти Марказий банкнинг қоидабузарликни бартараф этиш тўғрисидаги кўрсатмасини бажармаган, шунингдек, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузган тақдирда, Марказий банк қонунчиликка мувофиқ қуйидаги санкциялардан бирини қўллайди:

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш минг бараваригача бўлган миқдорда жарима солади;

тўлов хизматларининг ва (ёки) операцияларнинг айрим турларини амалга оширишни олти ойгача бўлган муддатга чеклайди;

лицензиянинг амал қилишини ўн иш кунигача бўлган муддатга тўхтатиб туради.

36. Марказий банк қоидабузарликни бартараф этиш тўғрисидаги кўрсатмани бажармаган ҳамда қуйидаги қоидабузарликларни содир этган тўлов тизими оператори ва (ёки) тўлов ташкилотларига нисбатан мазкур Низомнинг 35-бандида белгиланган санкциялардан бирини қўллайди:

тўлов хизмати кўрсатилганидан сўнг тўлов хизматларидан фойдаланувчига тўлов хизмати кўрсатилганлиги фактини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса;

тўлов хизматларидан фойдаланувчини тўлов операциясини бошлашдан олдин тўлов хизматидан фойдаланганлик учун олинадиган йиғимлар ҳақида хабардор қилмаса;

тўлов хизматларидан фойдаланувчилардан тўловни амалга ошириш учун топшириқ олгандан сўнг тўлов операциясини асоссиз амалга оширмаса;

тўловни бажаришни рад этиш тўғрисида тўлов хизматидан фойдаланувчини хабардор қилмаса;

шахсга доир маълумотларнинг махфийлигини сақлаш талабларини бузса;

тўлов хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ низоларни муқобил ҳал этиш тартиб ва қоидаларини белгиламаса;

тўлов тизими операторлари ва (ёки) тўлов ташкилотларининг бошқарув органларига аниқланган қоидабузарликни бартараф этиш бўйича юборилган тавсияларга амал қилмаса;

Марказий банкнинг рухсатини олиш талаб этиладиган ҳаракатларни рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олмай туриб амалга оширса;

Марказий банк томонидан назорат вазифалари бажарилишига тўсқинлик қилса;

Марказий банкка ахборотларни ўз вақтида тақдим этмаса, бузилган ёхуд тўлиқ бўлмаган ахборотларни тақдим этса;

банк сири тўғрисидаги қонунчилик, шунингдек, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролининг тарқатилишини молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузса;

ахборот хавфсизлигини таъминлаш талабларини бажармаса;

лицензия олишда тақдим этилган ҳужжатларда назарда тутилмаган тўлов хизматларини кўрсатса;

фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия тақдим этилганидан кейин фаолиятидаги ўзгаришлар тўғрисида Марказий банкни хабардор қилмаса;

бухгалтерия ҳисобини юритмаса ва молиявий ҳисоботларни тайёрламаса;

тўлов хизматларини кўрсатиш шартномаси бўйича тўлов агенти билан агентлик шартномаларини тузган тўлов ташкилоти Марказий банкка ушбу хизматлар, шунингдек, ўзининг тўлов агентлари ҳамда тўлов субагентлари ҳақидаги маълумотни тақдим этмаса;

тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг бошқа талабларини бузса.

37. Тўлов ташкилоти лицензиясининг амал қилишини ўн иш кунигача бўлган муддатга тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Марказий банк тўлов тизими операторларига тўлов ташкилотини тизимдан ўчириш ҳақида талабнома юборди.

38. Марказий банк тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари томонидан «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги Қонун талабларининг мунтазам равишда ёки бир марта қўпол тарзда бузилганлиги учун тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотларининг лицензиясини чақириб олиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

«Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги Қонун талабларининг бир йил давомида уч ва ундан ортиқ маротаба бузилиши «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги Қонун талабларини мунтазам равишда бузиш деб ҳисобланади.

Қуйидагилар «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги Қонун талабларининг бир марта қўпол тарзда бузилиши жумласига киради:

рухсат этилмаган тўловларни, шу жумладан, қонунчиликда савдоси ва хизмат кўрсатилиши тақиқланган товар ва хизматлар учун тўловларни амалга ошириш ёки тўловни амалга ошириш учун шароитлар яратиш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролининг тарқатилишини молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилганлиги учун Марказий банк томонидан чоралар ва санкциялар қўлланилганидан кейин беш йил давомида такроран содир этилган худди шундай қоидабузарликни содир этиш;

тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари кўзда тутилмаган фавқулодда ҳодисалар оқибатида юзага келган ўз фаолиятидаги узилишларни (тўхталишларни) 12 соат ичида тўлиқ тикламаган ёки барқарор ишлашини таъминланмаган тақдирда;

тўловчини ва (ёки) бенефициарни идентификация қилиш имконини берувчи маълумотларнинг тўлов хизматлари кўрсатилганидан кейин камида беш йил давомида сақланишини таъминламаслик;

Тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомда (рўйхат рақами 3431, 2023 йил 5 май) белгиланган қуйидаги лицензия талаблари ва шартларини бузиш:

1) тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилотининг муассислари (иштирокчилари ёки акциядорлари)га қўйиладиган талаблар;

2) тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилотининг устав фондига (устав капиталига) қўйиладиган талаблар;

3) тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилотига қўйиладиган техник, хавфсизлик ҳамда фаолиятнинг узлуксизлигига доир талаблар.

### **7-боб. Яқуний қоида**

39. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИНВЕСТИЦИЯЛАР, САНОАТ ВА САВДО ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**172 Маҳсулотларни сертификатлаш қоидаларига ўзгартириш  
ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
15 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1458-6*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 апрелдаги ПҚ–221-сон «Интеллектуал мулк соҳасини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бюроаман:**

1. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2005 йил 25 февралдаги 59-сон буйруғи (рўйхат рақами 1458, 2005 йил 18 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 10-11-сон, 86-модда) билан тасдиқланган Маҳсулотларни сертификатлаш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Л. КУДРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 27 апрель,  
2023/92-1-сон

Ўзбекистон Республикаси  
инвестициялар, саноат ва савдо  
вазирининг 2023 йил 27 апрелдаги  
2023/92-1-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Маҳсулотларни сертификатлаш қоидаларига киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сон «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг 6-бандига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш Миллий тизимида (бундан буён матнда Ўз СМТ деб юритилади) республикада ишлаб чиқариладиган ва четдан келтириладиган маҳсулотни сертификатлаштиришга тайёрлаш ва ўтказишнинг умумий талабларини белгилайди.».

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 17 майда эълон қилинган.

2. 8-банд қуйидаги мазмундаги «б<sup>1</sup>» кичик банд билан тўлдирилсин:

«б<sup>1</sup>) интеллектуал мулк объектларига (товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, товар келиб чиққан жой номлари, географик кўрсаткичлар ва саноат намуналари) (бундан буён матнда ИМО деб юритилади) бўлган ҳуқуқларга рия этилганлигини ўрганиш ва текшириш;».

3. 10-банддаги «Ўзстандарт» агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги (бундан буён матнда Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 12-банд қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«маҳсулотда қўлланилган ИМОга бўлган ҳуқуқларни тасдиқловчи тегишли объект рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги муҳофаза ҳужжати (гувоҳнома, патент ёки уларга илова) нусхаси ёки ундан фойдаланиш тўғрисидаги лицензия шартномаси нусхаси (амалда бор бўлган тақдирда).»;

тўртинчи — еттинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи — саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

5. 14-банд қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«маҳсулотда қўлланилган ИМОга бўлган ҳуқуқларни тасдиқловчи тегишли объект рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги муҳофаза ҳужжати (гувоҳнома, патент ёки уларга илова) нусхаси ёки ундан фойдаланиш тўғрисидаги лицензия шартномаси нусхаси (амалда бор бўлган тақдирда).»;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи ва олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

6. Қуйидаги мазмундаги 17<sup>1</sup> ва 17<sup>2</sup>-бандлар билан тўлдирилсин:

«17<sup>1</sup>. СО томонидан республикада ишлаб чиқариладиган ҳамда четдан келтириладиган маҳсулотларни сертификатлаштириш жараёнида ИМОга бўлган ҳуқуқларга рия этилганлигини ўрганиш ва текшириш мазкур Қоидаларнинг 8-илоvasида келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Агар маҳсулотни сертификатлаш учун ариза берилганда маҳсулотда қўлланилган ИМОга бўлган ҳуқуқларни тасдиқловчи тегишли объект рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги муҳофаза ҳужжати (гувоҳнома, патент ёки уларга илова) нусхаси ёки ундан фойдаланиш тўғрисидаги лицензия шартномаси нусхаси тақдим этилса, бундай маҳсулотларни сертификатлаштириш жараёнида ИМОга бўлган ҳуқуқларга рия этилганлигини ўрганиш ва текшириш амалга оширилмайди.

17<sup>2</sup>. СО томонидан маҳсулотда ИМОга бўлган ҳуқуқларга рия этилганлигини ўрганиш ва текшириш даврида қуйидагилар амалга оширилади:

а) маҳсулотни сертификатлаштириш учун аризани кўриб чиқиш, шу жумладан, намуналарни идентификация қилиш, танлаб олиш ва лабораторияга етказиш жараёнида тегишли маҳсулотда ИМОга бўлган ҳуқуқларга рия этилганлигини ўрганиш ва текшириш СО томонидан икки иш кунда амалга оширилади. Бунда, сертификатлаштириш синовларини ўтказиш учун танлаб олинган маҳсулот намуналарида (ёрлиқ ва қадоқларда) қўлланилган белги, ном ва бошқа реквизитлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирли-



гининг «Саноат мулки муҳофазаси портали»даги мавжуд маълумотлар билан солиштирилади.

б) ўрганиш ва текшириш даврида сертификатлаштириш синовларини ўтказиш учун танлаб олинган маҳсулот намуналарида (ёрлик ва қадоқларда) қўлланилган белги, ном ва бошқа реквизитларда қонунчилик ҳужжатлари билан муҳофаза қилинадиган ИМОлар билан адаштириб юборадиган даражада бир хил ёки айнан ўхшаш бўлган белгилар аниқланса, СО томонидан аризаچига асослантирилган рад жавоби берилади.».

7. 33, 36<sup>1</sup> ва 40-бандлардаги «Ўзстандарт агентлиги» деган сўзлар «Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 70 ва 71-бандлардаги «Ўзстандарт агентлигининг» деган сўзлар «Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 72-банддаги «Ўзстандарт Агентлиги» деган сўзлар «Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 73-банддаги «Ўзстандарт агентлигига» деган сўзлар «Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 74-банддаги «Ўзстандарт агентлиги» деган сўзлар «Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда 8-илова билан тўлдирилсин.

Маҳсулотларни сертификатлаш  
қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва  
қўшимчаларга  
1-ИЛОВА

«Маҳсулотларни сертификатлаш қоидаларига  
8-ИЛОВА

**Республикада ишлаб чиқарилаётган ҳамда четдан  
келтириладиган маҳсулотларни сертификатлаштириш  
жараёнида ИМОга бўлган ҳуқуқларга риоя этилганлигини  
ўрганиш ва текшириш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Аризачи	СОга маҳсулотни сертификатлаш мақсадида ариза берилади	Ўз хоҳишига кўра
2-босқич	СО	Маҳсулотни сертификатлаштириш учун аризани кўриб чиқиш, шу жумладан, намуналарни идентификация қилиш, танлаб олиш ва лабораторияга етказиш жараёнида тегишли маҳсулотда ИМОга бўлган ҳуқуқларга риоя этилганлиги ўрганилади ва текширилади. Сертификатлаштириш синовларини ўтказиш учун танлаб олинган маҳсулот намуналарида (ёрлик ва қадоқларда) қўлланилган белги, ном ва бошқа реқвизитлар Адлия вазирлигининг «Саноат мулки муҳофазаси портали»да мавжуд маълумотлар билан солиштирилади.	Ариза келиб тушган кундан бошлаб икки иш куни мобайнида
3-босқич	СО	Ўрганиш ва текшириш даврида сертификатлаштириш синовларини ўтказиш учун танлаб олинган маҳсулот намуналарида (ёрлик ва қадоқларда) қўлланилган белги, ном ва бошқа реқвизитларда қонунчилик ҳужжатлари билан муҳофаза қилинадиган ИМОлар билан адаштириб юборадиган даражада бир хил ёки айнан ўхшаш бўлган белгилар аниқланса, СО томонидан аризачига асослантирилган рад жавоби берилади.	Ариза келиб тушган кундан бошлаб икки иш куни мобайнида

».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**173** Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўтказилиши режалаштирилаётган тадбирлари ҳақида хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг иловасига ўзгартириш киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
15 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3020-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 майдаги ПФ–5997-сон «Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 1 июндаги 308-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 3020, 2018 йил 1 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.06.2018 й., 10/18/3020/1332-сон) билан тасдиқланган Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўтказилиши режалаштирилаётган тадбирлари ҳақида хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловасининг 5-позицияси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«

5.	Тадбирни манзили хамда туриб (онлайн) этиш имконини маълумотлар	ўтказиш масофадан иштирок берувчи	а) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар	
			б) туман, шаҳар	
			в) маҳалла, мавзе, кўча	
			г) уй	
			д) тадбирда замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг махсус дастурлари орқали масофадан туриб (онлайн) иштирок этиш имконини берувчи маълумотлар (агар тадбирда онлайн иштирок этиш кўзда тутилган бўлса)	

».

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**А. ТАШКУЛОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 15 май,  
6-мх-сон

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 17 майда эълон қилинган.

*Келишилди:*

*Ўзбекистон нодавлат нотижорат  
ташкilotлари миллий ассоциацияси  
Кенгаши раиси*

*К. ИШАНХОДЖАЕВ*

*2023 йил 8 май*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**174** Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий рўйхат-  
га олишни ташкил этиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги  
йўриқноманинг 14-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
19 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3272-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг 2020 йил 6 июндаги 390-сон буйруғи (рўйхат рақами 3272, 2020 йил 30 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.06.2020 й., 10/20/3272/1144-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий рўйхатга олишни ташкил этиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 14-банди иккинчи хатбошисидаги «Давлат статистика қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киряди.

**Вазир**

**Б. КУРБАНОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 6 май,  
384-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 20 майда эълон қилинган.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан  
ўтказиш ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТИ**

***1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 18 апрелдаги 8/4-сон «Тўлов тизими операторларининг ва тўлов ташкилотларининг фаолиятини назорат қилиш ва кузатувни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

***2023 йил 15 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3434.***

2. Ўзбекистон Республикаси инвестициялар, саноат ва савдо вазирининг 2023 йил 27 апрелдаги 2023/92-1-сон «Маҳсулотларни сертификатлаш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2023 йил 15 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1458-6.***

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2023 йил 15 майдаги 6-мқ-сон «Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўтказилиши режалаштирилаётган тадбирлари ҳақида хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг иловасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2023 йил 15 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3020-1.***

4. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг 2023 йил 6 майдаги 384-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий рўйхатга олишни ташкил этиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 14-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2023 йил 19 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3272-2.***